

Банклар тадбиркор аёлларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришда фаол иштирок этмоқда

(6-7-бетларда ўқинг).



«Moody's Investors Service» халқаро рейтинг агентлигининг иккита тижорат банкига берган рейтинг кўрсаткичлари.....4

Лизинг хизматлари бозори динамикаси ва ҳажми..... 11

БАНК АЖБОРОТНОМАСИ

Банк ходимлари, ишбилармонлар ва тадбиркорларнинг ҳафталик газетаси

ISSN 2010-6602

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 14 (985), 2015 йил 2 апрель

www.banknews.uz

● *Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови*

Сайловнинг дастлабки натижалари ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида ўтказилган матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг дастлабки натижалари ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов 29 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови миллий сайлов қонунчилиги ва халқаро ҳуқуқнинг умум-эътироф этилган демократик принципларига тўла мувофиқ ҳолда ўтганини таъкидлади.

Овоз беришда 18 миллион 942 минг фуқаро, яъни сайловчиларнинг 91,08 фоизи иштирок этди. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 35-моддасига мувофиқ бу Президент сайлови ўтганлигидан далолат беради.

Сайловда сайлов қонунчилиги бузилиши ҳолатлари қайд этилмади.

– Сайловчилар фаоллиги аҳолининг сиёсий маданияти юқорилигидан, фуқаролар мамлакатимизнинг келажакдаги тараққиёти уларнинг қарорига боғлиқ эканини чуқур англашидан далолатдир, – деди Марказий сайлов комиссияси раиси.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг дастлабки натижаларига кўра, Ислоҳ Каримовга 17 миллион 122 минг 577 фуқаро ёки сайловчилар умумий сонининг 90,39 фоизи, Акмал Саидовга 582 минг 688 киши ёки сайловчиларнинг 3,08 фоизи, Ҳотамжон Кетмоновга 552 минг 309 киши ёки сайловчиларнинг 2,92 фоизи, Наримон Умаровга 389 минг 24 киши ёки сайловчиларнинг 2,05 фоизи овоз бергани маълум қилинди.

Анжуман қатнашчиларига Марказий сайлов комиссияси айна пайтда округ сайлов комиссиялари томонидан тақдим этилган протокол ва бошқа ҳужжатларни кўриб чиқаётгани ҳақида ахборот берилди. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунга мувофиқ ушбу ҳужжатларни, зарурат туғилганда, айрим участка сайлов комиссияларининг материалларини Марказий сайлов комиссияси яна бир марта синчиклаб текширади ва шундан сўнг сайлов натижаси бўйича қарор қабул қилади.

Миллий сайлов қонунчилигимизга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови яқунлари тўғрисидаги ахборот сайловдан кейин ўн кундан кечиктирилмай, яъни 2015 йил 8 апрелгача Марказий сайлов комиссияси томонидан матбуотда эълон қилинади.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Ў.А.

Ўзбекистон банк тизими — кучли ижтимоий ҳимоя механизми

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Ўзбекистон банклари Ассоциациясида «Ўзбекистон банк соҳасидаги иқтисодий ислохотлар» мавзусида брифинг ташкил этилди.

Мазкур тадбирда юртимизга Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш мақсадида ташриф буюрган халқаро кузатувчилар ва экспертлар ҳамда республикамиз тижорат банклари раҳбар ходимлари иштирок этди.

Брифингда мамлакатимизда замонавий инфратузилма ҳамда банк фаолиятини тартибга солишнинг халқаро талабларига тўлиқ жавоб берувчи мустаҳкам қонунчилик асосларига эга бўлган икки поғонали банк тизими яратилганлиги, халқаро стандартларга мувофиқ банк назоратининг тамойиллари жорий этилганлиги, йилдан-йилга Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси пасайтирилаётганлиги, хусусан, 2014 йилда 10 фоизга, 2015 йилда 9 фоизга туширилганлиги мамнуният билан таъкидланди.

Шунингдек, замонавий ахборот-коммуникация техно-



логияларидан фойдаланган ҳолда аънанавий банк хизматларини янада такомиллаштириш ва жорий этиш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш юзасидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар хусусида ахборот берилди.

– Ҳар йили Ўзбекистон банк тизимида катта ташкилий-амалий ўсиш тенденциялари кузатилмоқда, – дейди **Туркистон-Америка жамияти раиси (АҚШ), халқаро кузатувчи Абдулла Хўжа**. – Айниқ-

са, юртингиз тижорат банкларининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тутган ўрни таҳсинга лойиқдир. Умуман, Ўзбекистонда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислохотларда кўпроқ юрт келажак билан боғлиқ масалалар акс эттирилган. Булар аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами, хусусан, ёшлар, ёш оилаларга бўлган ғамхўрлик саъй-ҳаракатларида намоён бўлади.

(Давоми 2-бетда).

Оилалар фаровонлиги банк эътиборида

Давлат-тижорат Халқ банки бугунги кунда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш йўлида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, хусусан, оилавий бизнес учун янги маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқишда стақчи молиявий муассасалардан бири саналади.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан жалб қилинаётган кредитлар ҳажми йил сайин ошиб бормоқда. Ажратилаётган кредитлар бошланғич сармоя сифатида янги тадбиркорлик субъектларининг ташкил этилишига, мавжудларининг эса, айланма маблағларини тўлдириб, фаолиятларини

янада кенгайтиришига хизмат қилмоқда.

Мана шундай устувор вазифаларни амалга оширишда жонбозлик кўрсатаётган Халқ банки банк технологиялари, усқуналари ва хизматлари «BankExpo-2015» VIII миллий кўргазмасида «Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи энг яхши банк» ва «Ташриф буюрувчилар эътибори совғаси» номинациялари бўйича голибликни қўлга киритди.

(Давоми 3-бетда).

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН КУРСИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 31 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	1921,44	1 Канада доллари	1972,75	1 Норвегия кронаси	311,94	1 евро	2716,76
1 Англия фунт стерлинги	3698,20	1 Хитой юани	400,85	1 Польша злотийси	659,43	10 Жанубий Корея вони	22,52
1 Дания кронаси	362,22	1 Қувайт динори	8303,71	1 Сингапур доллари	1811,58	10 Япония иенаси	208,87
1 БАА дирхами	678,09	1 Россия рубли	43,14	1 СДР	3452,04	*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.	
1 АҚШ доллари	2490,20	1 Украина гривнаси	105,91	1 Туркия лираси	951,91		
1 Миср фунти	326,37	100 Ливан фунти	166,01	1 Швеция кронаси	289,35		
1 Исландия кронаси	18,32	1 Малайзия ринггити	671,03	1 Швейцария франки	2588,30		

Айрим хорижий валюталарнинг ўтган ҳафтага солиштирма кўрсаткичи: **1 USD ▲ 2490,20 – (2484,15) | 1 EUR ▲ 2716,76 – (2642,45) | 1 GBP ▼ 3698,20 – (3710,08) | 10 JPY ▲ 208,87 – (207,19)**

DOLZARB MAVZU

Ўзбекистоннинг саноат салоҳияти мустаҳкамланмоқда

Мамлакатимизда 2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури қабул қилинди.

Бугун Ўзбекистонни иқтисодиёти энг илғор технологиялар асосида жадал ривожланиб бораётган давлат сифатида бутун дунё яхши билади. Мамлакатимизнинг улкан илмий-техник ва ишлаб чиқариш салоҳияти тобора юксалиб бораётир.

Мамлакатимизда ҳар йили иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, инфратузилма ва транспорт-коммуникация тизимларини янада ривожлантиришга йўналтирилган кенг кўламли инвестициявий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бунинг самарасида янги иш ўринлари яратилиб, аҳоли даромади кўпаймоқда. Узоқ муддатли тараққиёт стратегиясининг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани Ўзбекистонга дунёнинг кам сонли давлатлари қаторида ялпи ички маҳсулот, саноат ишлаб чиқаришининг юқори ўсиш суръатларини таъминлаш имконини бермоқда.

Жумладан, 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига кўра, ялпи ички маҳсулот 8,1 фоиз, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоиз, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 6,9 фоиз, капитал қурилиш 10,9 фоиз, чакана савдо айланмаси ҳажми 14,3 фоизга ўсди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қарийб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр товарлар ташкил этди.

Президентимизнинг 2015 йил 4 мартдаги «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлаб чиқаришни янгилаш ва инновация технологияларини жорий этиш бўйича узлуксиз жараённинг мантиқий давоми бўлди.

Дастур таркибий ўзгаришларни изчил таъминлаш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, барқарор иқтисодий ўсиш локомотивлари бўлишга қодир юқори технологияли саноат тармоқларини янада ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг энергия сарфи, моддий ва меҳнат харажатларини камайтириш бўйича мавжуд захиралардан янада тўлиқ фойдаланиш, шунингдек, жаҳон бо-

зорида талаб барқарор бўлган рақобатбардош тайёр товарлар ва ярим фабрикатлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, бунинг учун хорижий инвестицияларни, жумладан, етакчи хорижий компаниялар билан биргаликда қўшма корхоналар ташкил этиш орқали фаол жалб қилиш мақсадида қабул қилинди.

Хусусан, ушбу фармонга мувофиқ, ресурс тежайдиган буғ-газ қурилмаси ва қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича синаб кўрилган замона-

қайта ишлаш заводи қувватларини модернизация ва реконструкция қилиш, «Муборак газни қайта ишлаш заводи» унитар корхонасида газ-кимё мажмуасини барпо этиш, Устюрт газ-кимё мажмуаси хомашё базасида углеводородлар пиролизи ишлаб чиқарадиган янги завод, Ўзбекистон-Хитой газ қувурининг тўртинчи тармоғини қуриш, «Ўзбек-кимёмаш» заводининг йирик ва оғир нефть-газ-кимё ускуналари ишлаб чиқарадиган қувватларини кенгайти-


рациялаштирилган комплекс тизимни жорий этиш кўзда тутилмоқда.

Олмалик ва Навоий кон-металлургия комбинатлари ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича 41 лойиҳани амалга оширишни режалаштирилмоқда. Сульфат кислота ишлаб чиқариш заводи қуриш, Мурунтов карьерига ишлов бериш (5-навбати), қўшимча ишлаб чиқариш объектларини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш, Жиззах вилоятидаги цемент заводини кенгайтириш, Шеробод туманида цемент заводи қуриш, мис сими ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бошқа лойиҳалар шулар жумласидандир.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу фармонига мувофиқ, машинасозлик, автомобиль ва электр техника саноати, маҳсулотларни стандартлаштириш соҳасида ҳам кенг кўламли ўзгаришлар белгиланган. Мазкур соҳаларда жами 77 лойиҳани, шу жумладан, хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали амалга ошириш режалаштирилган. Бунинг натижасида 2019 йилда технологик етакчи корхоналар билан ҳамкорликда импорт ўрнини босадиган қишлоқ хўжалиги техникаси, юк автомобиллари ҳамда бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш бўйича янги қувватлар ташкил этиш ва фаолият кўрсатаётган корхоналарни кенгайтириш кўзда тутилган.

Чунончи, «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси тизимидаги «JV MAN AUTO Uzbekistan» ва «UZAUTOTRAILER» қўшма корхоналарида юк автотранспорти воситалари кабинаси ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳамда эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, Жиззах аккумулятор заводини технологик модернизация қилиш, «Gentra», «Spark», «Cobalt», «T250» автомобиллари учун алюминий ва пластмасса деталлар, тормоз тизими элементлари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

«Ўзагросаноатмашхолдинг» холдинг компанияси Тошкент ва Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводларини модернизация қилиш ва технологик қайта жиҳозлаш орқали «Класс», «Лемкен» ва бошқа етакчи технологик корхоналар билан



вий технологияларни кенг жорий этиш асосида электр энергетика соҳасида фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш қувватларини изчил модернизация қилиш ва янгиларини ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Нефть-газ ва нефть-кимё саноатида табиий газ ва газ конденсатини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва турини кенгайтириш режалаштирилмоқда. Кимё саноатида ишлаб чиқариш ва экспортни мураккаб минерал ўғитлар, полимерлар, синтетик каучук, метанол ва кенг турдаги маиший-кимё товарлари ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологияларни жорий этиш орқали диверсификация қилиш кўзда тутилган.

Умуман, геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноатида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича 124 инвестиция лойиҳаси, шунингдек, хорижий сармоядорларни жалб этган ҳолда 48 истиқболли инвестиция лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Масалан, «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси Бухоро нефтни

риш (2-босқич), пластик маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, геология-қидирув ишлари учун юқори технологияли ускуналар харид қилиш ва бошқа лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилаётир.

Кимё саноатида «Самарқандкимё» акциядорлик жамиятида мураккаб минерал ўғитлар (NPK) ва калий сульфати, «Навоий азот» акциядорлик жамиятида поливинилхлорид ва метанол, «Ангрен» маҳсус индустриал зонасида автомобиль ва қишлоқ хўжалиги техникаси шиналари, конвейер ленталари ҳамда бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш кўзда тутилган.

«Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси Дастур доирасида Навоий иссиқлик электр станциясини 450 МВт қувватга эга иккинчи буғ-газ қурилмасини қуриш орқали кенгайтириш, Қуйи-Бўзсув ГЭСи каскади, Фарход ГЭСи ва «Тошкент ГЭС» каскади унитар корхонасини модернизация қилишни бошлайди. «Ўзбеккўмир» акциядорлик жамиятида Апартак конини қуриш ва молиивий ҳисобга олиш ва ҳисобдорлик, ходимлар, тезкор ҳамда ишлаб чиқариш-технологик фаолиятни бошқаришни компьютерлаштириш бўйича интег-

Ўзбекистон банк тизими — кучли ижтимоий ҳимоя механизми

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Биргина жамиятнинг муҳим бўлиши бўлмиш ёш оилаларга банклар томонидан имтиёзли равишда ажратаётган кредитлар, ёшларнинг олий ўқув юрларида таҳсил олишларини таъминловчи таълим кредитлари бугунги шароитда ҳар жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро стандартлар бўйича самарали пруденциал банк назоратининг амалга оширилиши, банк активларининг ликвидлиги ва сифати мониторинг қилиниши

барча маҳаллий тижорат банкларига «Fitch Ratings», «Moody's», «Standart & Poor's» каби етакчи рейтинг агентликларидан «барқарор» рейтинг баҳосини олишга ва олинган ижобий баҳони қатор йиллар давомида тасдиқланишига имкон берди.

Марказий банк томонидан банк тизимининг барқарорлигини ошириш ва республикаимизда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш борасида олиб борилган мақсадли чора-тадбирлар тадбиркорлар ва хўжалик субъектларини қўллаб-қувватлашнинг мус-

таҳкам асоси бўлиб хизмат қилди. Эътиборлиси, буни Жаҳон банкнинг «2015 йилда бизнесни юритиш» ҳисоботида чоп этилган кўрсаткичлар ҳам тасдиқлаб, бу борада эълон қилинган янги жаҳон рейтингда Ўзбекистон яна 8 поғонага кўтарилди.

– Ўзбекистон банк тизими билан танишиб, бу ерда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ёшлар ва коллеж битирувчиларини мустақил бизнес юритишга жалб қилиш борасидаги дастурлар кўпроқ эътиборимни тортди,

– дейди халқаро кузатувчилардан бири – Россия Федерациясидаги «Vector» номли халқаро стратегик тадқиқотлар институти бош директори Андрей Хриенко. – Шунингдек, юртингизда ёшлар учун спорт, таълим ва маданият йўналишларида ҳам қулай шартшароитлар яратилган. Аслида ёшларга бўлган эътибор ва ғамхўрлик ҳар қандай давлатда келажакка қўйилган пойдевор саналади. Демак, юртингизнинг эртанги куни, кучи ва салоҳияти учун бугундан тамал тоши қўйилмоқда.

Брифинг иштирокчиларига республиканинг банк соҳасидаги сўнгги ютуқлар ва ривожланиш истиқболлари, шунингдек, тижорат банклари томонидан тақдим этилаётган янги технологиялар ва маҳсулотлар тақдим этилди. Бу, ўз навбатида, халқаро кузатувчилар ва экспертларга Ўзбекистон банк тизимида изчил амалга оширилаётган ислохотлар самараси ҳамда мамлакат банк тизимининг янада ривожланиш истиқболлари тўғрисида зарур маълумотларга эга бўлиш имконини берди.

Назира МАВЛОНОВА.

DOLZARB MAVZU

хамкорликда замонавий тракторлар, дон, ем-хашак ўриш ва пахта териш машиналари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, темир буюмлар, трансмиссия ва редукторларга механик ҳамда термик ишлов бериш қувватларини ташкил этишни режалаштирмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, 2019 йилга келиб электр техника ускуналари тайёрлаш бўйича юқори технологияли ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантириш ва ўзлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари учун ускуна ва эҳтиёт қисмлар, кенг турдаги экологик тоза қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича янги корхоналар ташкил этиш кутилмоқда.


Хусусан, «Ўзэлтехсаноат» акциядорлик компанияси «Анджонкабель» акциядорлик жамиятида Европа технологиялари асосида автомобиль симлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, Мотор заводи майдонларида интеграл микросхемалар, кам қувватли фотоэлектр станциялари, турли қувватли электр двигателлар ва маиший электр техника воситалари учун компрессорлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, музлатгич, маиший газ ва комбинацияланган плиталар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маиший электр ва электр техника маҳсулотлари ишлаб чиқариш, маркетинг ва логистика кластерини ташкил қилишни режалаштирмоқда. Умуман олганда, компания томонидан умумий қиймати 268,5 миллион долларлик 39 янги инвестиция лойиҳасини амалга ошириш мўлжалланмоқда.

«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси, хусусан, хориж инвестицияларини жалб этган ҳолда 11 лойиҳани амалга оширишни режалаштирган. «Қизилкумцемент» акциядорлик жамиятида узлуксиз базальт толаси ва арматура ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, оҳак ва темир-бетон плиталар, «Uz Oupa» масъулияти чекланган жамиятида йирик ўлчамли ойна ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, Қорақалпоғистон Республикасида цемент заводи қуриш, Жиззах вилоятида цемент асосида пардозлаш материаллари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ана шундай йирик лойиҳалар сирасидан.

Шунингдек, Дастурда маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш асосида ички ва жаҳон бозорида харидоргир бўлган рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ҳамда ярим фабрикатлар, жумладан, бўялган ип, мато, ишлов берилган тери, трикотаж, тикувчилик, пойабзал ва атторлик-чарм буюмлари ишлаб чиқариш ҳисоби-

дан тўқимачилик ҳамда чарм-пойабзал саноати тузилмасини янада яхшилаш ҳам кўзда тутилган.

Шунга мувофиқ, «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси чет эллик етакчи шериклар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳоз-



лаш, янгиларини ташкил этиш бўйича 58 лойиҳа, шунингдек, хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда, 21 истиқболли лойиҳани амалга оширишни режалаштирмоқда. Эллиққалъа ва Қўнғирот пахта заводлари, Бухоро вилоятининг Ғиждувон, Жондор ва Ромитан туманларида қурилиши якунланмаган объектлар негизда тўқимачилик комплекслари, «Индорама Қўқон текстиль» хорижий корхонасининг тўртинчи босқичини ташкил этиш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси ташқи бозорда талаб юқори бўлган чарм ва замонавий пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича 61 инвестиция лойиҳасини амалга оширади.

Фармон доирасида Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси томонидан замонавий сублимитлаш, музлатиш ва вакуумли қадоқлаш технологиялари асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ҳамда қайта ишлашга қаратилган қиймати 410 миллион долларлик 304 лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш режалаштирилган.

Жумладан, Сурхондарё вилоятидаги «Файзи Рамз» фермер хўжалигида мева-сабзавотни қайта ишлаш (сублимацион қурилиш), «Жиззах» маҳсус индустриал зонаси ҳудудида тез тайёрланадиган маҳсулотлар, Самарқанд вилоятидаги «Сиб саховати» хорижий корхонаси масъулияти чекланган жамиятида гўшти қайта ишлаш, Тошкент вилоятидаги «Euro Food Trade» корхонасида балиқ консервалари ишлаб чиқариш ва қўзиқоринни чуқур қайта ишлаш

йўлга қўйилади, шунингдек, фаолият юритмаётган озиқ-овқат саноати корхоналари модернизация қилинади (165 лойиҳа).

Президентимиз фармонида жаҳондаги етакчи компанияларнинг лицензия ва патентлари асосида фармацевтика саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва турини



кенгайтириш, маҳаллий ишланмалар ҳамда хомашё асосида тиббиёт препаратлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш режалаштирилган.

Шу муносабат билан «Ўзфармсаноат» давлат акциядорлик концерни 22 инвестиция лойиҳасини амалга оширишни режалаштирмоқда. «Pharm Product» масъулияти чекланган жамиятида бир марта ишлатиладиган тиббиёт буюмлари учун металл ниналар, инъекция эритмалари, қурилган ҳолда қадоқланган дори воситалари, таблеткалар, капсула ва саше-пакетчалар учун бўш ампулалар, канал найчалар, «Soft inter medical» масъулияти чекланган жамиятида инфузия эритмалари, «Radiks» хусусий илмий-ишлаб чиқариш корхонасида плазма ўрнини босадиган эритмалар, дори воситалари ишлаб чиқариш учун ўсимлик субстанциялари ва бошқа дори воситалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, Дастур доирасида замонавий технологик талабларга жавоб бермайдиган эскирган ускуналар ва қувватларни фойдаланишдан чиқариш ва уларни замонавий ҳамда самарали ишлайдиганлари билан алмаштиришга қаратилган қарийб 300 лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган (Фарғона иссиқлик электр маркази ва Навоий иссиқлик электр станциясидаги энергоблоклар, «Навоий азот» акциядорлик жамиятида аммиак ва кучсиз азот кислотаси ишлаб чиқариш қувватлари, «Аммофос Максам» акциядорлик жамиятида сульфат кислота ишлаб чиқариш корхонаси, Тошкент ва Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси за-

водларининг ишлаб чиқариш қувватлари ва бошқалар).

Давлатимиз раҳбарининг фармонида 2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чоратадбирлар дастурига киритилган инвестиция лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш доирасида қиймати 30 миллион АҚШ долларидан зиёд ва чет эллик инвестор улуши камида 50 фоиз бўлган лойиҳалар бўйича ишлаб чиқариш майдони ташқарида муҳандислик-коммуникация тармоқларини йўлга қўйиш бюджет маблағлари ҳамда ички молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Мухтасар айтганда, Президентимизнинг 2015 йил 4 мартдаги «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чоратадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармонида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича умумий қиймати 40 миллиард 809 миллион долларлик 846 инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган.

2015-2019 йилларда амалга оширилдиган қиймати 19 миллиард 640 миллион долларлик 711 янги лойиҳанинг сармоядорлари ва молиялаштириш манбалари белгилаб олинган. Қиймати 21 миллиард 169 миллион долларлик 135 истиқболли лойиҳага эса хорижий инвестициялар ва кредитлар жалб қилинади.

Ушбу Дастурнинг ҳаётга татбиқ этилиши 2015-2019 йилларда ялпи ички маҳсулотни йилига ўртача камида 8 фоиз, жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 9 фоиз, шу давр ичида ушбу кўрсаткични 1,5 баробар ошириш имконини беради. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотиде саноат улуши ҳозирги 24 фоиздан 2020 йилда 27 фоизга етади. Машинасозлик, нефть-газ, нефть-кимё, кимё, тўқимачилик ва озиқ-овқат каби юқори технологияли тармоқларни янада жадал ривожлантириш, саноатда уларнинг улушини 2014 йилдаги 62 фоиз ўрнига 2020 йилда 67 фоизга етказиш кутилмоқда. Бу борада 100 га яқин янги товар гуруҳлари (қарийб 1000 хил маҳсулот) ишлаб чиқариш ўзлаштирилади ва 2020 йилга бориб мамлакатимиз саноатининг йиллик ишлаб чиқариш ҳамда экспорт салоҳияти тегишли равишда 18 триллион сўмга ва 2 миллиард долларга оширилади.

ЎЗА.

Оилалар фаровонлиги банк эътиборида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

– Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сифатли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига, ички бозорни зарур истеъмол маҳсулотлари билан тўлдиришга ва, пировардида, ҳудудлар иқтисодий тартиқий эътиришга катта ҳисса қўшади, – дейди Халқ банкнинг Иқтисодий таҳлил департаменти маркетинг ва рекламалар бўлими бош мутахассиси Зафар Уроқов. – Шу жиҳат-

дан олиб қараганда, юртимиз ҳудудларида кичик бизнесни ривожлантириш, айниқса, замонавий ишлаб чиқаришларга асосланган тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада банкимиз ўз кредит портфелини диверсификациялаган ҳолда ушбу соҳага катта эътибор қаратади. Барча молиявий хизматлари билан республикамиз минтақаларини кенг қамраб олиш мақсадида инфратузилмасини кенгайтириб, кредит маблағла-

ри асосида янги корхоналарнинг ташкил этилишини рағбатлантирмоқда. Чунончи, 2014 йил якунларига кўра, муассасамиз томонидан ажратилган умумий кредитлар ҳажми 920,7 млрд. сўмни ташкил этди. Шундан, кичик бизнесга 746,8 млрд. сўм, оилавий тадбиркорликка 35,7 млрд. сўм ҳамда аёллар тадбиркорлигига 98,2 млрд. сўмлик сармоялар йўналтирилди, жисмоний шахсларга 93,3 млрд. сўмлик истеъмол кредитлари тақдим этилди. Бундан ташқари, Халқ банки замонавий


ахборот-коммуникация технологиялари асосида миқозлар учун интерактив хизматларни янада ривожлантиришни давом эттирмоқда. Хусусан, мобиль алоқа, интернет, инфокиоск ва «Интернет-банкнинг» тизимлари орқали тақдим этилаётган хизматларни такомиллаштириш чораларини кўрмоқда. Бу ўз навбатида, амалдаги банк маҳсулот ва хизматларини тубдан яхшилаш ва кенгайтириш имконини бермоқда.

Халқ банки тадбиркорларнинг бизнес лойиҳаларини

молиялаштириш ишларини фаол олиб бориб, оилавий бизнесни янада ривожлантириш, хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ҳамда касб-хунар коллежлари битирувчиларини мазкур соҳага жалб қилиш борасидаги давлат дастурларининг самарали ижросига кенг шароит яратмоқда. Буларнинг бари миллий иқтисодий тартиқий барқарорлаштириш ва аҳоли турмуш тарзини юксалтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Гулшан ЮСУПОВА.

BANK FAOLIYATI



Банк рейтинги қайта тасдиқланди

«Moody's Investors Service» халқаро рейтинг агентлиги «Ипотека-банк» акциядорлик-тижорат ипотека банкнинг миллий ва хорижий валютадаги депозитлари бўйича «B2» рейтингларини тасдиқлади. Унга кўра, банкнинг барча рейтинглари «Барқарор» истиқболга эга.

Агентлик «Ипотека-банк» АТИБ фаолиятини қайта баҳолаш экан, ушбу рейтинглар унинг корпоратив ва чакана молия бозоридаги мустақам улушига, жумладан, аҳоли учун тақдим этилган омонатлари ва ипотека кредитларига берилаётганлигини қайд этган. Бу, ўз навбатида, муассасанинг банк тизимидаги фаолияти етарлигидан далолат эканини таъкидлаган.

Шунингдек, «Moody's Investors Service» «Ипотека-банк» АТИБ активлар бўйича юқори ўсиш суръатларини, мос бўлган барқарор ликвидлик даражасини ва рентабелликнинг яхши кўрсаткичларини намён қилган. Банкнинг депозит портфелини барқарор молиялаштириш манбаи сифатида кўрсатган.

Бундан ташқари, агентлик банк фаолиятини баҳолашда уни Ўзбекистондаги бешта йирик банкларнинг бири сифатида ўз филиал ва бўлималар тармоғи орқали бутун республика аҳолисига молиявий хизматларни кўрсатиш учун барча ҳудудларини қамраб олганлигини ижобий омил сифатида ҳисобга олган.

Агентлик «Кейинги 12-18 ой давомида «Ипотека-банк» АТИБнинг рентабеллиги мустақам бўлишини ва кредит портфелининг ўсиши билан қўллаб-қувватлишини ҳамда молиялаштиришнинг барқарорлиги ва активларининг етарли даражасига мос ликвидлик кўрсаткичларига эга бўлишини» қайд этмоқда.

Наргиз АХМЕДОВА.

«Ҳамкорбанк»нинг халқаро рейтинг кўрсаткичлари

«Moody's Investors Service» халқаро рейтинг агентлиги чет эл капитали иштирокидаги «Ҳамкорбанк» акциядорлик-тижорат банкнинг халқаро рейтингини тасдиқлади.

Унга кўра, миллий валютадаги депозитлари рейтинг «B1» кўрсаткичи билан, хорижий валютадаги депозитлари рейтинг «B2», банк кредитга лаёқатлигининг базавий баҳоси эса «B1» дея қайд этилди. Барча рейтинглар бўйича прогноз «Барқарор» сифатида тасдиқланган.



Мазкур рейтинглар халқаро агентликнинг банкда корпоратив бошқарув ва таваккалчиликни бошқариш тизими, барқарор мижозлар базаси ва даромадлилик даражаси юқорилиги тўғрисидаги фикрини

акс эттиради. Бундай даромадлилик ҳудуддаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлашнинг жадал ўсаётган ва юқори даромадли сегменти, шунингдек, пул жўнатмалари бозоридан фойдалана олиш имконияти мавжудлиги туфайли юзага келган. Банк даромадлилик, ўз капиталининг адекватлиги ва активларининг сифати бўйича барқарор молиявий кўрсаткичларга эга.

Таҳлилчиларнинг алоҳида эътирофи эътиборга молиявий барқарорлик банкнинг

микромолиялаш соҳасида, шунингдек, пул жўнатмалари бозориде етакчилардан эканлиги билан қўллаб-қувватланади.

Мамлакатимизда банк кредитларидан фойдаланишга бўлган талабнинг ошири бориши туфайли «Ҳамкорбанк»нинг кредит портфели 2013 йилда 59 фоизга ва 2014 йилда эса қарийб 86 фоизга ошди. Шу билан бирга, сўнгги йилларда кредитлашнинг изчил суръатлар билан ўсиб боришига қарамай, «Ҳамкорбанк» активлари сифати бошқа банклардагига нисбатан юқорилигича қолмоқда. Банк маълумотларига кўра, 2014 йил якунларига келиб, тўлов муддати 90 кундан кўпроққа кечиккан кредитларнинг даражаси жами кредит портфелининг бир фоизидан кам миқдорни ташкил этмоқда.

Эслатиб ўтамиз, «Moody's Investors Service» халқаро рейтинг агентлиги «Ҳамкорбанк» АТБни 5 йилдан буён ижобий кўрсаткичлар билан баҳолаб келмоқда.

Бекзод АКРОМОВ.

Автоматлаштирилган ЯНГИ ТИЗИМ

«Orient Finans» хусусий акциядорлик-тижорат банкида RS-Loans кредит ва депозит операциялар ҳисобининг автоматлаштирилган тизими жорий этилди.

Амалиётга татбиқ этилган мазкур тизим банк фаолиятида юксак натижаларни қўлга киритиш, мижозларга янада кенг ва қулай банк хизматларини тақдим этиш имкониятини беради.

бўладиган барча хужжатларга ишлов беришни автоматлаштириш имконини беради.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, «Orient Finans» ХАТБнинг мутахассислари жорий этилган тизим орқали кредитлаш

хизматлари бозори эҳтиёжларга кўра янги схемаларни тез ва осон ўзлаштиришни таъминлайди.

Шунингдек, RS-Loans асосида ётган бизнес-режалар Марказий банк низомлари ва



RS-Loans V.6 тизими юқори технологик ярим функционал дастурий қарорни намён этади ва замонавий кредит-депозит хизматлари тўлиқ тўпламининг автоматлаштирилишини, ахборот хавфсизлигининг юқори даражасини ҳамда фойдаланувчилар ишининг қулайлигини таъминлайди, шунингдек, ишончли ва тез ҳаракатлишни ҳам кафолатлайди.

Амалиётдаги мазкур тизим кредит буюртмаси томонидан кредит шартномасининг расмийлаштиришдан то ҳисобот чиқарилгунгача бўлган жараёнда лозим

масалалари юзасидан муҳим қарорларни қабул қилишда зарур бўладиган маълумотларни, шу жумладан, кредит портфели ҳақидаги ахборотлар ва алоҳида кредит турлари бўйича йиғма маълумотларни олиш имконига эга бўлдилар. Шу билан бирга, банк ҳолдими RS-Loansдан фойдаланган ҳолда «Кредит-ахборот таҳлилий маркази», Кредит бюроси ва Кредит ахбороти миллий институти билан ахборотларни ҳам алмашиб боради.

Ишлаб чиқувчилар томонидан дастурий мажмуага киритилган кенг вазибалар, банк учун бизнес ва кредит

Ўзбекистон Республикаси меъёрий-ҳуқуқий хужжатлари талабларига монанд бўлиши ҳам кўзда тутилган.

Юртбошимизнинг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 1438-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Orient Finans» ХАТБ томонидан ҳар йили мақсадли ишлар амалга оширилмоқда.

Ёрқин ОЧИЛОВ.

«Туркистон» банкidan янги омонат турлари

«Туркистон» хусусий акциядорлик-тижорат банки Наврўз байрами муносабати билан миллий валютада иккита янги омонат турларини ҳавола этди.

Улардан бири «Туркистон-Наврўз» номли янги омонат туридир. Сақлаш муддати 9 ой бўлган миллий валютадаги ушбу депозитга маблағ чекланмаган миқдорда қабул қилинмоқда. Омонат учун ҳисобланган йиллик фоиз тўловлари мижоз хоҳишига кўра, ҳар ой якунида ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Баҳор янгиланиш, яшариш фасли, айнан шу сифатларни назарда тутган ҳолда мазкур банк «Туркистон-Янгилик» номли миллий валютадаги яна бир янги омонат турини жорий қилди. Минимал ва максимал миқдори чекланмаган ушбу депозитнинг сақланиш муддати 6 ой, фоиз тўловлари эса мижоз истагига кўра, ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки,

тижорат банкларининг омонат ҳисобварақларига кўйиладиган маблағлар барча турдаги солиқлардан озод этилган бўлиб, уларнинг манбалари декларация қилинмайди ҳамда ушбу маблағларни омонатчилар чекловларсиз тасарруф этадилар.

Президентимизнинг 2008 йил 28 ноябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 4057-сонли Фармонида кўра, миқдордан қатъи назар, фуқароларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларидаги омонатлари тўла ҳажмда қоплаб берилиши кафолатланади.

Рашид МИРЗАКАРИМОВ.

MINTAQUALARDAN XABARLAR

Тадбиркорлик ривожда минтақавий филиал иштироки

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, ҳукуматимиз томонидан аниқ ва пухта ишлаб чиқилган миллий дастурлар боис юртимизда, хусусан, Сирдарё вилоятида ҳам кўплаб ишлаб чиқариш қувватлари ўз фаолиятини бошлаб, салмоқли ютуқларга эришмоқда.

Натижада вилоятда ишлаб чиқариш, сервис ва хизмат кўрсатиш кўлами кенгайиб, мазкур сармоялар эвазига маҳаллий аҳоли вакиллари 290 нафари иш билан таъминланди. Шундан 80 нафари коллеж битирувчиларидир.

Юртбошимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўрисида»-ги 1047-сонли Қарори доирасида тадбиркорлик субъектлари ўтган йил мобайнида 5,7 млрд. сўм миқдордаги кредит маблағлари билан таъминланган бўлса, Президентимизнинг 2009 йил 28 январда қабул қилинган

«Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги 1050-сонли Қарори ижроси юзасидан ажратилган кредитлар эса 4,4 млрд. сўмдан зиёдни ташкил этди.

Вилоятда тадбиркорлик, хусусан, кичик бизнес субъектлари сонининг мунтазам равишда ортиши кузатилмоқда. Бу борада банк филиали томонидан 2015 йил мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун 25,0 млрд. сўм миқдордаги кредит маблағлари ажратилиши, шу жумладан, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 2,6 млрд.

сўм, аёллар тадбиркорлигини ташкил этиш ва ривожлантириш учун 1,7 млрд. сўм, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун эса 13,6 млрд. сўм миқдордаги кредит маблағлари йўналтирилиши режалаштирилган. Шунингдек, жорий йилда тадбиркорлик субъектларига 4,3 млрд. сўм миқдордаги микрокредит хизматларини кўрсатиш ҳам кўзда тутилган.

— «Асака» банк томонидан ажратилган кредит фермер хўжалигимизнинг кўп тармоқли фаолият юритишига кўмак берди, — дейди Сайхунобод туманидаги «Раҳматилло Чорвадор» фермер хўжалиги бошлиғи Аҳмад Раҳматуллаев. — Бе-

рилган кредит маблағи эвазига четдан олиб келинган, иқлим шароитимизга мос 254 бош наслдор қорамол ва сутни қайта ишловчи замонавий ускуна харид қилдик. Шунингдек, мазкур молиявий хизматлар ҳисобига фермер хўжалигимиз биносини замонавий лойиҳа асосида бунёд этишга ҳам муваффақ бўлдик. Бунинг натижасида қўшимча 22 нафар янги иш ўрни яратилиб, унга қишлоқимиз ёшлари, шу жумладан, 10 нафар касб-хунар коллежи битирувчисини жалб этганимиздан уларнинг ота-оналари ҳам жуда мамнун. Ҳозирга келиб чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалигимизда қорамоллар сони 490 бошга өтди. Уларнинг барчаси хориждан келтирилган наслдор. Хўжалигимиз моддий ва молиявий барқарорлик йўлидан дадил бораёпти. Ўтган йилнинг ўзида наслдор қора молларни 245 бошга кўпайтиришга эришган бўлсак, биргина сут ишлаб чиқаришдан 50,5 млн. сўм даромад олдик.

Рашид МИРЗАКАРИМОВ.

Хизмат кўрсатиш сифати юксалмоқда

Жиззах вилоятида 2014 йилда ташкил этилган 700 хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчасининг 418 таси қишлоқ жойларда барпо этилди.

Президентимизнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъру-

ўсган киши телевизорининг бузиллишини, телевизор бузилган киши сочининг ўсишини кутиб юрган пайтлар ҳам бўлган. Бугунги ёшларга шуни айтсанг, латифа қилманг, дейишади. Чунки ҳозир ҳудудимизда сартарошхона, «Гўзаллик салони»дан иборат олтита маиший хизмат кўрсатиш, 8 савдо шохобчаси, 4 тикувчилик цехи, телевизор тузатиш устахонаси ишлаб турибди-да. Ҳадемай интернет-кафе ҳам ишлай бошлайди.

Президентимизнинг 2013 йил 17 апрелдаги «2013-2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Қарорига мувофиқ вилоятда 2013-2016 йилларда 2 минг 392 хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчаси ташкил этиш режалаштирилган. Ушбу қарор доирасида ўтган йили хизмат кўрсатиш ва сервис йўналишида 51,6 млрд. сўмлик 196 савдо ва умумий овқатланиш, 30 молия хизматлари, 6 туризм соҳаси, 438 маиший хизмат кўрсатиш, 194 бошқа хизматлар бўйича лойиҳалар амалга оширилди. Бунинг самарасида 1 минг 800 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Ушбу мақсадлар учун тижорат банкларининг 11,3 млрд. сўмлик кредит маблағи ажратилди.

Жиззах шаҳрида 12, туман марказларида биттадан маданий дам олиш хиббони барпо этилди. Арнасой, Бахмал, Зарбдор туманлари ва Жиззах шаҳрида биттадан тўйхона мажмуаси, Жиззах, Зомин, Мирзачўл, Фориш туманлари ҳамда Жиззах шаҳрида

14 болалар спорт майдончаси қурилди.

Бундай лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида аёлларга қулайликлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда 2014 йилда вилоятда 31 замонавий «Гўзаллик салони» қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларга талаб йилдан-йилга ортмоқда. Бунда янги массивларда барпо этилаётган замонавий инфратузилма иншоотлари, хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари муҳим омил бўлмоқда. Ўтган йили вилоятда ана шундай массивларда 3 нон цехи, 3 маиший хизмат кўрсатиш, 2 савдо мажмуаси, 2 гузар ва 2 савдо ярмаркаси қурилди.

— Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ривожланиши аҳолига катта қулайлик яратмоқда, — дейди вилоят ҳокимлигининг ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари Исмадиёр Оролов. — Ўтган йил яқунларига кўра, вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотиде хизматларнинг улуши 38,7 фоизга өтди. Аҳоли жон бошига хизмат кўрсатиш ҳажми 1 млн. 347 минг сўмни ташкил этиб, 2010 йилга нисбатан 2,9 баробар кўпайди.

Ушбу соҳанинг кўлами фақат кўрсатилаётган хизматлар ҳажми билан эмас, турларининг кўпайиши билан ҳам кенгайиб бораётир. Жумладан, ўтган йили ахборот-коммуникация технологиялари, туризм каби соҳаларда 12 турдаги янги хизмат жорий этилди. Шу ҳисобдан 257,3 млрд. сўмлик қўшимча хизматлар кўрсатилди.

Хизматлар сифатини яхшилаш ва кўламини кенгайтириш мақсадида 2015 йилда 65,2 млрд. сўмлик



засида хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим манбаи ва омили экани алоҳида таъкидланди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги лойиҳаларнинг амалга оширилиши қишлоқда турмуш фаровонлигини юксалтириш билан бирга, аҳолининг кундалик эҳтиёжларини қондиришда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугун бу соҳа илгаригидек, қишлоқдаги ягона сартарошхона ёки телевизор тузатиш устахонаси эмас, балки замонавий алоқа, ахборот-коммуникация технологиялари, меҳмонхона, ресторан ва бошқа кўплаб хизматлар мажмуини англатади.

— Илгари қишлоқимизда оддий телевизор тузатиш устахонаси ҳам бўлмагандан туман марказига борилганда мажбур эдик, — дейди Галлаорол тумани Гулистон қишлоқда яшовчи меҳнат фахрийси Исоқул ота Ҳайитбоев. — Сочи

645 иншоотни ишга тушириш мўлжалланмоқда. Жумладан, 180 савдо ва умумий овқатланиш шохобчаси, 22 молия хизмати, 5 туризм соҳаси, 348 маиший хизмат кўрсатиш, 90 бошқа хизматлар бўйича лойиҳалар амалга оширилади.

Жорий йилда, шунингдек, ҳар бир туманда тўрттадан, Жиззах шаҳрида 12 «Гўзаллик салони» ишга туширилиши режалаштирилган. Туризм соҳасида хизмат кўрсатишнинг янги турлари кенг йўлга қўйилади. Хусусан, фольклор-этнографик, тарихий-илмий, балиқчилик, ов, сув, орнитологик туризм каби янги йўналишлар ташкил этилади.

Табиийки, хизмат кўрсатиш шохобчаларининг кўпайиши рақобатнинг ошиши ва хизмат сифатининг яхшиланишига олиб келмоқда. Тадбиркорлар иншооту шароитлар, хизмат сифати ҳам, аввало, мижоз талаби даражасида бўлишини таъминлашга ҳаракат қилаётир. Шу боис, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги ишлар ҳажмини кўпайтириш билан бирга, унинг сифатини яхшилашга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Бу вазифанинг изчил амалга оширилиши янги иш ўринлари яратиш, аҳоли турмуш фаровонлиги ва маданиятини юксалтиришга хизмат қилади.

ЎЗА.

BANK VA TADBIRKOR

Банклар тадбиркор аёлларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришда фаол иштирок этмоқда

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи ва фаоллигини ошириш, ўз салоҳиятини ижтимоий-иқтисодий соҳаларда яққол намойиш этишлари учун зарур шарт-шароит яратиб бериш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Бундан оқилона фойдаланаётган опа-сингилларимиз тадбиркорлик борасида ҳам самарали фаолият кўрсатиб, нафақат оиласига наф келтираяпти, балки иқтисодиётимиз ривожига ҳам муносиб ҳисса қўймоқдалар.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ишбилармон аёллар сафи кун сайин кенгайиб, республикаимизда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларининг 35, фермер хўжалиқларининг эса 10 фоизини аёллар ташкил этади. Тижорат банклари томонидан уларга кенг қўламли молиявий хизматлар кўрсатилаётгани эса инвестициявий лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш имконини бераётир. Биргина 2014 йилда аёллар тадбиркорлигига салкам 1 трлн. сўмлик кредит ажратилди ва ушбу кўрсаткич 2013 йилдагига нисбатан қарийб 1,4 баробар ўсиши таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони банк ва тадбиркор аёллар ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлади. Зотан, мазкур ҳужжатда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, банк хизматларидан кенгроқ фойдаланиш учун етарли шароит яратиш бўйича белгилаб берилган аниқ вазифалар ижроси изчил таъминланяпти.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, ўтган давр мобайнида 3 трлн. 200 млрд. сўмдан зиёд кредитлар аёлларни тадбиркорликка жалб этиш, уларнинг бизнес фаолиятини ривожлантириш мақсадларига йўналтирилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган комплекс чора-тадбирлар натижасида аёлларнинг ҳуқуқий-иқтисодий билимларини ошириш, ҳорижий тажрибалар билан таништириш, шунингдек, касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. 2014 йилнинг ўзида

201 минг нафардан зиёд хотин-қизлар доимий иш билан таъминлангани, шу жумладан, 5 872 нафар қиз банкнинг 46,5 млрд. сўмлик сармосидан унумли фойдаланиб, ўз бизнес фаолиятини йўлга қўйгани ана шу саъй-ҳаракатлар самарасидир.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида «2014 йилнинг энг яхши лойиҳаси» кўрик-танлови республикаимизнинг барча ҳудудларида ўтказилиб, танлов ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими 2014 йилнинг 25 декабрь куни Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлиб ўтди.

Гулнора МАЪРУФОВА,
Ўзбекистон Хотин-қизлар
кўмитаси раиси ўринбосари:

– Марказий банк томонидан хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани опа-сингилларимизнинг ишбилармонлик қобилиятларини юзага чиқариш имконини бераяпти. Натижада аёлларнинг ташаббускорлиги ортиб, чекка ҳудудларда ҳам замонавий хизмат кўрсатиш инфратузилмаси яратилиб, гўзаллик салонлари, савдо дўконлари, нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехлари, тикувчилик корхоналари фаолият кўрсатмоқда. «Соғлом бола йили»да бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтириш ва аёлларнинг банкларга бўлган ишончи янада мустаҳкамланишида муҳим омил бўлди.

«2014 йилнинг энг яхши лойиҳаси» кўрик-танловида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан иштирок этган минглаб тадбиркор аёллар орасидан 14 на-

фари ғолибликни қўлга киритган бўлса, 36 нафари рағбатлантирувчи мукофотга лойиқ кўрилди. Уларга ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо совғалар ҳамда банклардан имтиёзли кредит олиш имконини берувчи сертификатлар топширилди.

Гулнора ҚОСИМОВА,
Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги «Лобар плюс» масъулия-ти чекланган жамияти раҳбари,
танлов ғолиби:

– Биз, тадбиркор аёлларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаб, камтарона хизматларимиз юқори даражада рағбатлантирилгани юртимизда



хотин-қизларга қаратилган эътибор ва кўрсатилаётган ғамхўрликка бир далил бўла олади. Бу, ўз навбатида, янада юқори натижаларга эришиш, ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришга кўпроқ ҳисса қўшишга руҳлантиради.

Банк тизимида тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилаётган бу каби учрашувлар, семинар ва кўргазмалар нафақат тадбиркорларни тақдирлаш, балки уларнинг илғор тажрибаларини оммалаштириш, ўзаро иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, ёшларда эса мустақил бизнес фаолиятини йўлга қўйиб, жамиятда ўз ўрнини топиш, оиласи ва юртимизга фойда келтиришдек эзгу мақсадлар сари руҳлантираётгани билан ғоятда аҳамиятлидир.

Гулнора МАХМУДОВА, «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон Ишбилармон аёллар ассоциацияси раиси:

– Юртимизда ишончли, барқарор ва кафолатли банк тизимининг самарали фаолият кўрсатаётгани аёлларимизнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишига кенг имкониятлар яратмоқда. Мамлакатимиз иқтисодиётининг барча соҳа ва тармоқларида меҳнат қилаётганларнинг 50 фоизга яқинини айнан хотин-қизлар ташкил этаётгани ўзи кўп нарсани англатади.

Шу ўринда Президентимизнинг «Бугунги кунда хотин-қизларнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини оши-

риш, уларнинг ҳокимият ва бошқарув идоралари, вакиллик органлари фаолиятида, тадбиркорлик ва фермерлик соҳасида муносиб иштирок этишини таъминлаш, ўз қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариши учун имконият яратиш мақсадида олиб бораётган кенг қўламли ишларимиз тобора кучайиб, ўз ҳосили ва самарасини бераётгани, айниқса, эътиборлидир», деган сўзларини эсга олиш жоиз.

Ҳар бир тадбиркор ўз ишини бошлашда сармоёга таянади. Бу борада банкларимизнинг кўмаги катта бўлмоқда. Айниқса, Республика Марказий банки билан ҳамкорликда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида хотин-қизлар иштирокида амалий учрашувлар, бизнес форумлар ўтказиб келинаётганлиги, шунингдек,

Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада тақомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Арносайлик фермер Янгибой Муқимов халқимизнинг қаловини топсанг, қор ҳам ёнади, деган нақли нақадар тўғрилигини ўз фаолиятида исботлади. Фермер сув танқис бўлган чўл ҳудудида балиқчиликни йўлга қўйди. 2010 йилда туман ҳудудидаги ташландиқ 7,6 гектар ерда балиқчилик фермер хўжалиги ташкил этишга киришганида бу ишдан бирон

Фермер — қишлоқ мулкдори

Жиззах вилоятида ўтган йили 433 млн. сўм маблағ сарфланиб, 12 балиқчилик хўжалиги ташкил этилди. Натижада элликка яқин янги иш ўрни яратилди.

нарсачиқшига ишонмаганлар ҳам бўлди. Аммо тинимсиз меҳнат, астойдил ҳаракат ўз самарасини берди.

Ҳар қандай ишда тажрибанинг ўрни муҳим. Фермернинг ўн йилдан зиёд Тузкон кўлидаги балиқчилик хўжалигида бригада бошлиғи вазифасида ишлагани янги жойда асқотди. Зовурга тушган сизот сувлардан ҳосил бўлган сунъий кўлни хўжалик эҳтиёжига мослаб 500 килограмм балиқ чавоқлари ташлаган фермер дастлабки йили 6,7 тонна балиқ етиштирди. Бу кўрсаткич 2014 йилда 15 тонна-

га етди. Фойда ҳам шунга яраша – 150 млн. сўм бўлди.

Маҳсулотини асосан туман аҳолисига сотаётган фермер вилоят ва мамлакат миқёсида ўтказилаётган озиқ-овқат ярмаркаларида фаол иштирок этаётир. Мазкур ярмаркалар орқали кейинги уч йилда етти тоннага яқин балиқ сотди. Экологик тоза, парҳез маҳсулотнинг сифати ва нархининг арзонлиги харидорларга манзур бўлмоқда.

– Президентимиз раҳнамолигида фермер хўжалиқлари фаолиятини тақомиллаштиришга қаратилаётган алоҳида эътибор балиқчиликни

ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда, – дейди фермер. – Хўжалигимизга ер майдони ажратиш, банк кредити олишда муаммо бўлмади. Жорий йилда балиқ етиштиришни янада кўпайтириш, 3 турдаги консерва маҳсулоти тайёрлайдиган замонавий технология ўрнатишни режалаштирганмиз.

Аҳолини сифатли балиқ маҳсулоти билан таъминлашга ҳисса қўшаётган фермер ўғиллари Шаҳзод ва Бекзод билан бирга чорвачиликни ҳам йўлга қўйган. Ўтган йили 2 тонна гўшт, 3 тоннадан ортиқ сут сотилди. Хўжалик қошида

маиший хизмат кўрсатиш шохбчаси ҳам ташкил этилди.

Фермер олаётган даромаддан қишлоқни ободонлаштириш, кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларга моддий кўмак беришга маблағ ажратади. Хусусан, кейинги икки йилда ўзи яшаётган Бахтли маҳалласининг ички йўлларини таъмирлаш, болалар спорти майдончаси қуриш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш учун 8 млн. сўмдан ортиқ маблағ сарфлади.

Буларнинг барчаси Президентимиз раҳнамолигида фермерлик ҳаракатини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган изчил иш-хотлар самарасидир.

ЎЗА.

BANK VA TADBIRKOR

касб-хунар коллежларини битирган қизларимиз учун бўш иш ўринлари ярмаркалари ташкил этилаётганлиги юқори самара бермоқда. Жумладан, аёллар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлашга тижорат банклари томонидан йўналтирилган кредитлар ҳажми йилдан-йилга ўсиб борапти. Сўнгги 10 йил давомида кредитлаш ҳажми 30 баравардан зиёд ўсганлиги юртимизда аёллар тадбиркорлиги юксак даражада ривожланаётганидан далолатдир. Биргина «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида айнан аёллар тадбиркорлиги учун тижорат банклари томонидан қарийб 1 трлн. сўмлик кредитлар ажратилиб, бепул консалтинг хизматлари кўрсатилди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, тижорат банклари томонидан ўз вақтида ажратилаётган кредитлар эвазига юзлаб ишлаб чиқариш объектлари, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари жадал ривожланаётгани, энг муҳими, ушбу кредитлар ҳисобидан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида минглаб янги иш ўринлари яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Юртимизда банк тизими томонидан аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга қулай муҳит яратилгани уларнинг эртанги кунга бўлган ишончи ортишига имкон бермоқда.

«Тадбиркор аёл» Ўзбекистон Ишбилармон аёллар ассоциацияси томонидан Республика Марказий банки билан ҳамкорликда олиб борилаётган амалий ишлар аёлларимизнинг жамиятда ўз ўрнига эга бўлишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Юртимизда ишончли ва барқарор банк тизими самарали фаолият кўрсатаётгани бу борада беқиёс ўрин тутмоқда.

Биргина Тошкент вилоятининг Зангиота туманида 2 минг нафардан зиёд хотин-қиз тадбиркорлик билан шуғулланмоқда. Уларнинг ташаббус ва истиқболли лойиҳаларини қўллаб-қувватлашда тижорат банклари ва Ишбилармон аёллар ассоциациясининг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Муқаддас Бердиевнинг трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга оид бизнес режаси мазкур уюшма кўмаги билан рўёбга чиқди. Тадбиркорнинг иш бошлаши учун банк томонидан 30 млн. сўм кредит ажратилди. Қисқа фурсатда Қизғалдоқ маҳалласида мўъжазгина тикувчилик цехи вужудга келди. Айни пайтда бу ерда болалар ва катталар учун турли мавсум-

боп либослар тайёрланмоқда. Энг муҳими, ишбилармоннинг ташаббуси билан маҳаллий чеварлардан 15 нафари доимий иш билан таъминланди.

– Дастлабки маҳсулотимиз ўз харидорини топди, – дейди М.Бердиева. – Бундан руҳланиб, цехимизга хориждан замонавий ускуна ва дастгоҳлар келтириш ҳаракатидамиз. Модернизация маҳсулот сифати ва ҳажмини ошириш баробарида, унинг бир қисмини экспортга йўналтириш имконини беради. Энг муҳими, маҳалламиз ёш йигит-қизлари иш билан таъминланди.

Зулфия МИРХАЙИТОВА, «Asliddin Plyus Rivoj» оилавий корхонаси раҳбари (Тошкент вилояти):

– Мамлакатимизда сўнгги йилларда оилавий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш, хусусан, касаначилик ва хунармандчиликни кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу борада ишбилармон тадбиркорларнинг ишончли ҳамкорига айланиб улгурган банк ходимларининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишда «Агробанк» ходимларининг қимматли маслаҳатларига таяниб иш тутдим. Бизнес лойиҳамга асосан «Агробанк»нинг Паркент филиали томонидан 17 млн. сўм миқдорда кредит олишга эришдим. Мазкур маблағ эвазига оилавий корхонамиз учун тикув машиналари ҳамда зарур матолар сотиб олиб, фаолиятимизни бошладик. Маҳаллий матолардан болажонларимиз учун қулай ва бежирим бўлган турли кийим-кечаклар тикиб, харидорларга етказиб бермоқдамиз. Олинган кредит ҳисобидан 5 нафар коллеж битирувчисини иш билан таъминлашга эришдик. Энг асосийси, банкнинг молиявий кўмагидан унумли фойдаланиб, оилам фаровонлиги ва юртимиз тараққиётига ҳисса қўшаётганимдан мамнунман. Келгусида ҳам банк билан ҳамкорликда янги иш ўринлари ташкил этиб, маҳсулотларимиз турини кўпайтириш ниятидамиз.

Максуда ЭШМИРЗАЕВА, «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон Ишбилармон аёллар ассоциацияси Сирдарё вилояти бўлими раҳбари:

– Вилоятимиз аҳолисининг 52 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Уларнинг аксарияти ҳудуд ижтимоий-

иқтисодий ҳаётининг фаол иштирокчиларидир. Хусусан, 16 400 нафар аёл тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, шундан 7 396 нафари бевосита ишлаб чиқариш, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида, 382 нафари эса фермер хўжаликлари раҳбари ҳисобланади.

Агар бу рақамлар ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошидаги кўрсаткич билан қиёсланса, ўртада катта тафовут борлиги аён бўлади. Яъни, ўшанда тадбиркор хотин-қизлар бармоқ билан санарли эди.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда тадбиркорлик ҳаракати кенг йўл очилиб, бунинг учун қулай ҳуқуқий, иқтисодий ва молиявий имкониятлар яратилиши туфайли сирдарёлик аёллар ҳам ўз ишбилармонлик қобилиятларини амалда тўлиқ намоён эта бошладилар. Бу борада, табиийки, давлатимиз томонидан хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлашга қаратилган юксак эътибор асосий омил бўлди.

Гап шундаки, бугун тадбиркорлик билан шуғулланаётган ёки шу соҳада иш бошлашни истаган аёл борки, барчаси банк тизими томонидан ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланиб, рағбатлантирилмоқда. Хусусан, уларнинг ишбилармонлик салоҳиятини юксалтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар – вилоят банклари, хотин-қизлар кўмитаси ва Ишбилармон аёллар ассоциацияси томонидан ташкил этилаётган турли тадбирлар, семинар-тренинг ҳамда давра суҳбатлари хотин-қизларнинг малака ва кўникмаси ошишига кўмаклашмоқда. Эътиборлиси, бу тадбирлар ўз самарасини берапти. 2014 йилда пойтахтлик мутахассислар томонидан ўтказилган семинар-тренинг иштирокчиларининг бизнес лойиҳалари тегишли ташкилотларда қабул қилинаётгани, энг истиқболлилари турли грантларга сазовор бўлаётгани ана шундан далолат беради.

Эътироф этиш жоизки, хотин-қизларимизнинг тадбиркорлик қобилиятини юзага чиқаришда банкларнинг молиявий кўмаги ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, Сардоба туманидан фермер Дилфуза Абдусатторованинг лойиҳаси туман марказида 20 нафар хотин-қиз учун янги иш ўрни ташкил этиш имконини берди. Сайхунбодлик тадбиркор Шоира Саматова эса ўзининг хусусий корхонасида турли қурилиш материалла-

рини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Боёвтулик Дилором Барлибоева бўш турган бинони таъмирлаб, бу ерда тикувчилик цехини ташкил этиб, коллеж битирувчиларидан 14 нафарини иш билан таъминлади. Албатта, ушбу лойиҳалар банкларнинг молиявий кўмаги туфайли амалга оширилди.

Коллеж битирувчиларини тадбиркорлик соҳасига жалб этишда, шунингдек, ҳар йили уюштирилаётган ва «Ўз бизнесингни бошла» деб номланган уч кунлик семинаримизнинг ҳиссаси катта бўлаяпти. Нега деганда, ушбу тадбир иштирокчилари нафақат назарий билим олмақда, балки амалий кўникамага ҳам эга бўлмоқдалар. Чунки семинар асносида тадбиркорлик субъектларига экскурсиялар уюштирилиши ёшларга ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнлари билан жойида танишиш, илғор ишбилармонлар тажрибасини ўрганиш имконини бермоқда.

Тадбиркор аёлларимиз қаторига замонавий билимларга эга ёш мутахассис қизларимизнинг қўшилаётгани мамлакатимиз иқтисодиёти равнақ топишига, халқимиз турмуши эса янада фаровон бўлишига хизмат қилмоқда.

Навқирон авлод вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг илғор ташаббусларини оммалаштириш, истиқболли лойиҳаларини молиявий жиҳатдан ўз вақтида рағбатлантириш ҳам банк тизимининг диққат марказида.

Кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик туфайли кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик соҳасида навқирон авлод вакиллари ҳиссаси ошиб бораётганлиги гувонарли ҳолдир.

Мухтасар айтганда, Давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, янгиланиш ва модернизациялаш жараёнлари жамиятнинг барча жаҳалари қатори, молия-банк соҳасида ҳам ўзининг ёрқин инъикосини топмоқда. Бу эса, табиийки, республикамиз иқтисодиётини мустаҳкамлаш, халқимиз турмуш фаровонлиги барқарор ошиб боришини таъминламоқда.

Мухтор ШОНАЗАРОВ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тижорат банкларининг инвестиция портфелини мониторинг қилиш департаменти бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

Меҳнатдан бахт топаётган ёшлар

Ўтган йили Яккасарой енгил саноат касб-хунар коллежини битирган Гулноза Нишоновна ўз мутахассислиги бўйича «Zeta Teks» масъулияти чекланган жамиятига ишга жойлашди. У ўқини давомида амалиётни шу корхонада ўтагани боис ишни осон ўзлаштирди. Айни пайтда у энг фаол ишчилардан.

– Биринчи маошимга ота-онам учун совғалар олдим, – дейди Гулноза. – Онамнинг қилган дуолари менга куч берди. Қисқа вақтда ўз ишимнинг сирларини ўрганишга ҳаракат қилиб, жамиятимиз равнақига ҳисса қўшиб келаётганимдан мамнунман.

Оилалардаги фаровонлик, юртдошларимизнинг ҳаётга бўлган муносабати ва жамиятимиз барқарорлиги аввало аҳоли, жумладан, ёшлар бандлиги таъминлангани, ҳар ким ўз меҳнатига яраша рағбат олаётганига боғлиқ. Мамлакатимизда ишлаб чиқариш салоҳияти ортиб, кўплаб янги иш ўринлари яратилаётгани ёшларни иш билан таъминлаш имконини бермоқда.

Яккасарой енгил саноат касб-хунар коллежида ёшлар тикув ва тикув-трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси, кенг ассортимент-

даги кийимларни лойиҳалаш ва моделлаштириш каби йўналишларда таҳсил олади.

– 2013-2014 ўқув йилида коллежимизни 279 ёш мутахассис битирди, улардан 203 нафари ишга жойлашди, – дейди мазкур билим маскани директорининг ўринбосари Наргиза Абдуқодирова. – Бугун таълим ва амалиётнинг узвий олиб борилаётгани замонавий билим ва ишлаб чиқариш кўникмасига эга ёш мутахассислар сафи кенгайишига хизмат қилмоқда.

Муассаса «Zeta Teks», «Alkim Tekstil», «Konteks Tashkent», «Шарқ либослари» дизайн маркази каби корхона ва ташкилотлар билан шартнома имзолаган. Иккинчи-учинчи босқич ўқувчилари ишлаб чиқариш амалиётини ана шу корхоналарда ўтамоқда. Тузилган уч томонлама шартномаларга мувофиқ ёшлар-



нинг иш билан таъминланиши назоратга олинган.

Корхоналар эшиги ёшлар учун доимо очиқлиги ҳам корхона, ҳам коллеж, ҳам ўқувчи учун фойдали. Асосан болалар кийимлари тикиладиган «Zeta Teks» корхонасида айни кунда қирқ бешга яқин ёш меҳнат қилмоқда.

– Ходимларимиз асосан қизлардан иборат, – дейди корхона ишчиси Зебо Норова. – Касб-хунар коллежини битириб ишга келаётган қизларнинг билим ва маҳорати ишлаб чиқариш суръати ва сифатини оширишга хизмат қилаётир.

ЎЗА материали асосида.

IQTISODIYOT TARMOQLARIDA

Кичик бизнес ривож — иқтисодий тараққиётнинг муҳим омили

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилган брифинг ана шундай номланиб, унда Россия, АҚШ, Хитой, Испания, Италия, Латвия, Миср каби давлатлардан вакиллар иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимизда миллий иқтисодий ривожлантириш, жумладан, ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорликка кенг эркинлик бериш ва уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, ишлаб чиқаришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ролни ошириш, соҳага инвестицияларни жалб этиш ва экспортга кўмаклашиш, шунингдек, саноат корхоналарини модернизация қилиш юзасидан амалга оширилган чора-тадбирлар ҳақида сўз борди.

— *Ўтган йили Давлатимиз раҳбари ва ҳукуратимиз томонидан белгилаб берилган республикаимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан келиб чиқиб, Палата томонидан соҳа ривож учун қатор ишлар амалга оширилди, — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари А.Икрамов.* — Хусусан, мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, бу борада муҳим ўрин тутувчи кадрлар салоҳиятини янада ошириш мақсадида 80 нафар тадбиркорнинг Германия, Малайзия, Хитой, Исроил, Жанубий Корея, Италия каби давлатларда таҳсил олиши таъминланди. Шунингдек, тадбиркорларга янада қулай шарт-шароитлар яратиш учун 2014 йилнинг 1 январидан

бошлаб тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишни интернет тармоғи орқали амалга ошириш тизими йўлга қўйилди.

белгиланган тартибда кўриб чиқилди.

Шунингдек, тадбиркорликка кенг эркинлик бериш ва уларнинг ҳуқуқий ҳимоя-



Ушбу тизимдан фойдаланиш тартиби ва қулайликлари бўйича тушунириш ишлари доимий тарзда олиб борилди. Натижада йил якунига келиб, тизим орқали юборилган аризалар сони 10 минг 689 тага етди ва шулардан 10 минг 177 таси тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилди.

Маълумки, 2011 йилдан буён Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан ҳафтанинг жума куни «Тадбиркорлар куни» ташкил этилмоқда. Ўтган йили мазкур тадбирларда иштирок этган тадбиркорларнинг 14 минг 244 та мурожаатидан 98,6 фоизи ҳал этилди. Қолган мурожаатлар эса

сини таъминлаш мақсадида ўтган йили судларга умумий қиймати 3 трлн. 392 млрд. сўм миқдорига 54 минг 115 та даъво аризалари киритилган бўлиб, улардан 46 минг 773 таси қаноатлантирилди. Шунингдек, умумий қиймати 49,6 млрд. сўмлик 872 та даъво талаблари бўйича ишлар суд қарори чиққунга қадар келишув билан яқунланди. Даъво аризаларининг 4 минг 978 таси юзасидан эса суд жараёни давом этмоқда.

Тадбирда қайд этилишича, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ишлаб чиқаришдаги ролни ошириш бўйича Савдо-саноат палатаси туман (шаҳар) тузилмалари томонидан тадбиркорлик субъектларига ва тадбиркор-

лик фаолиятини бошламоқчи бўлган жисмоний шахсларга таъсис ҳужжатлари тайёрлаш, бухгалтерия ҳисобини юритиш, бизнес-режатайёрлаш, ахборот, консултация, юридик ва сугурта хизматлари кўрсатилиб келинмоқда.

риш бошқармаси бошлиғи Назира Дадахонова. — Делегациялар билан ўтказилган учрашувларда нефть-газ, кимё, енгил саноат, қурилиш материаллари саноати, электротехника саноати, тоғ-кон саноати ва минерал хомашё ресурсларини қайта ишлаш соҳаларига инвестицияларни жалб этишнинг истиқболлари хусусида тақдимотлар қилдик. Олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, хорижий ҳамкорлар билан ўзаро савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш борасида 16 та битим имзоланди. Шу билан бирга, ўтган йили Савдо-саноат палатаси томонидан 56 та кўшма корхона тузишга яқиндан ёрдам берилди.

Бундан ташқари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилаётган «Менинг бизнес ғоям», «Ёш тадбиркор — юртга мадакдор», «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор» лойиҳалари доирасида тегишли тавсиянома асосида танловларнинг республика босқичи голибларига тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар берилиши таъминланмоқда.

— *Соҳага инвестициялар жалб этиш ва экспортга кўмаклашиш мақсадида республикаимизга 89 та хорижий делегация ташрифларини уюштирдик, — дейди Палатанинг Ташқи иқтисодий алоқаларни ривожланти-*

Шунингдек, брифингда, «Кексаларни эъозлаш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, жумладан, тадбиркорлар учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда оилавий бизнесни ташкил этиш истаги бўлган фуқароларни ўқитиш, «Ягона ойна» шаклида хизмат кўрсатиш, электрон рўйхатга олиш ҳамда электрон тижоратни ривожлантириш, саноат корхоналарининг салоҳиятини кучайтириш ва экспортни ривожлантириш, бу борада экспорт-боп маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналар сонини ошириш юзасидан олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳақида ҳам батафсил маълумот берилди.

Эъзоз КАМОЛОВА.

Қўшимча даромад ҳақидаги декларация

Мамлакатимизда иқтисодийнинг жадал ривожланиб бораётгани аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини изчил оширишга мустақкам замин яратмоқда.

Аҳоли даромадлари таркибидан тадбиркорлик фаолиятдан олинаётган даромадлар улуши тобора ортиб бормоқда. Мустақиллик йилларида бу борадаги кўрсаткич 10,6 фоиздан 52 фоизга ўсди. Бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир.

Булар юртимизда фуқароларга ўз даромадларини кўпайтириш, уларни эркин тасарруф этиши учун барча имконият ва шарт-шароит яратилгани самарасидир. Меҳнат қонунчилигига кўра, фуқаролар асосий иш жойидан ташқари бошқа ташкилотларда ўриндошлик асосида, ўзига тегишли мол-мулкни ижарага бериш орқали ва қонун билан тақиқланмаган бошқа фаолиятлар билан шуғулланиб, чекланмаган миқдорда даромад олиши мумкин.

Давлат солиқ кўмитасидан маълум қилишларича, 2014 йилда асосий бўлмаган иш жойларидан даромад олган жисмоний шахслар 304 минг нафардан ортиқни ташкил этган. Бу 2013 йилга нисбатан қарийб 43 минг нафар кўпдир.

Солиқ қонунчилигига кўра, фуқаролар қўшимча солиқ солинадиган даромадлари ҳақида солиқ органларига декларация топширишлари зарур. Бундай декларация ҳар йили 1 апрелгача доимий яшаш жойидаги солиқ органига топширилади.

Декларация ўриндошлик йўли билан, фуқаролик-ҳуқуқий шаклдаги шартномалар бўйича бир марталик ишлар ва хизматларни бажариш, кўчмас ва кўчар мулкни ижарага бериш орқали олинган даромадлар юзасидан топширилади. Бундан ташқари, мулкий даромадлар, фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ҳамда улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи тариқасида олинган, асосий бўлмаган иш жойидан моддий наф тарзида олинган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлар декларация асосида солиққа тортилади.

Юқоридаги каби даромад олаётган жисмоний шахслар бунинг учун энг юқори ставка бўйича солиқ тўлаган бўлса, декларация топширмаслиги мумкин. Бунинг учун ҳақ тўлаётган юридик шахс бухгалтериясига даромад солиғини энг юқори ставка бўйича ушлаб қолишни сўраб ариза берилади.

Бугунги кунда мулкий даромадлар таркибига кирувчи мол-мулкни ижарага беришдан олинган фойда салмоғи ўсмоқда. Чунки одамларимизда бир нечта уй-жой ёки квартира, автомобиллар мавжуд бўлиб, уларни ҳақ эвазига ижарага бериш амалиёти кенгайди.

Солиқ кодексига мувофиқ, мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадларга даромад

солиғининг энг кам ставкаси бўйича солиқ солинади. 2015 йилда жисмоний шахслардан олинган даромад солиғининг энг кам ставкаси 8,5 фоиз миқдорига белгиланган.

Даромадлар тўғрисидаги декларация ўз вақтида топширилмаса, бундан бўйин товланса ёки у атайин нотўғри маълумотлар билан тақдим этилса, маъмурий жавобгарликка — энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Декларация асосида йиллик умумий даромад бўйича ҳисоблаб чиқилган жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи 1 июнгача бюджетга тўланиши шарт. Акс ҳолда, солиқ қарзлари давлат солиқ органларининг даъво аризалари асосида суд тартибидан мажбурий ундирилади.

Декларацияни давлат солиқ хизмати органига келиб ёки почта орқали буюртма хат шаклида, шунингдек, электрон ахборот тарзида тақдим этиш мумкин. Бунинг учун www.soliq.uz сайтнинг «Интерактив хизматлар» саҳифасининг Жисмоний шахслардан жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларацияларни электрон шаклда қабул қилиш ва топшириш бўлимидаги тегишли маълумотлар киритилиб, яшаш жойидаги давлат солиқ инспекцияси маълумотлар базасига жўнатилади. Сизга инспекциядан декларациянгиз қабул қилингани ҳақида хабар келади.

ЎЗА материали асосида.

KO'RGAZMA

Маҳаллий маҳсулотларга хорижликлар қизиқиши юқори

Мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш ҳажми йилдан-йилга ортмоқда. Хусусан, 2014 йилда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 9,4 фоизга, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,7 фоиз, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 6,9 фоизга ўсди. 26 мингдан зиёд кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиб, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 56,1 фоизга тенг бўлди. Шунингдек, айни пайтда юртимизда 38 мингдан ортиқ кўп тармоқли фермер хўжалиги фаолият юритмоқда.

«Ўзэкспомарказ» мажмуида уч кун давом этган озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноати ускуналарининг «WorldFood Uzbekistan – 2015» XV ҳамда қишлоқ хўжалиги технологияларининг «AgroWorld Uzbekistan – 2015» X халқаро кўргазмалари жаҳон истеъмол бозори иштирокчиларини Ўзбекистоннинг бугунги салоҳияти билан таништириш имконини берди.

– Мамлакатингизда етиштирилаётган маҳсулотлар сифати анчайин юқори, – дейди **Индонезиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакили Д.Раҳмат**. – Бу, бир томондан, ушбу ўлканинг мўътадил об-ҳаво шароитига эга эканлигини билдирса, иккинчидан, қулай ишбилармонлик муҳити яратилганлигини ифодалайди. Кўргазмада индонезиялик ишлаб чиқарувчилар юртингизнинг мана шундай салоҳияти билан яқиндан танишиб, ўзаро ҳамкорлик қилишга қизиқиш билдирмоқда.

Кўргазмаларда жаҳоннинг 30 га яқин давлатидан 180 дан ортиқ компания ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этди. Экспозицияларидан озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар, уруғлар, қишлоқ хўжалиги техникаси, паррандачилик ва



чорвачилик маҳсулотлари кенг ўрин эгаллади. Хорижлик иштирокчилар томонидан асосан озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш технологиялари, қадоқлаш ва ўраш, музлатиш ва совутиш ускуналари, иссиқхона тизимлари намойиш этилди.

Кўргазма павильонларида литваллик ишбилармонлар гўшт, чой, қаҳва ва қандолат маҳсулотларининг кенг турини, эстониялик ишлаб чиқарувчилар балиқ ва денгиз маҳсулотларини тақдим этган бўлса, Германия-

нинг йирик компаниялари гўшни қайта ишлаш, новвойлик, қадоқлаш ва музлатиш асбоб-ускуналарини, россияликлар гўшт ва сут саноати учун таркибий қисмлар, озиқ-овқат маҳсулотларини қадоқлаш ва ўраш технологияларини, шарбатлар, ичимликларни намойиш этди.

Шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан «Бреад маркет», «Фуркан», «Мехригиё», «Арома Классик», «Сайхун барака», «Матимекс Восток» каби компаниялар ўзларининг озиқ-

Нок, олма, гилос, ўрик, олхўри каби мевали дарахт кўчатларини етиштиришдан тортиб, тайёр ҳосилни сақлашга ча бўлган жараёни зиммамизга олганмиз. Айни пайтда хўжалигимиз турли табиий ҳодисалардан сақланиш ва томчилаб суғориш тизимларига эга. Шундай бўлишига қарамай, технологик ускуналар замон талаблари асосида модернизация қилиб борилиши зарур. Бунда эса, қишлоқ хўжалиги технологиялари кўргазмалари биз учун муҳим саналади.

«AgroWorld Uzbekistan – 2015» халқаро кўргазмасида илк маротаба «Мевалар. Сабзавотлар. Қайта ишлаш. Сақлаш» бўлими ташкил этилди. Улар орасида сабзавот ва мевалар учун турли ҳажмдаги қадоқ ва ўрамларнинг етакчи ишлаб чиқарувчиси «Sorma Spa» қадоқлаш ва ёрлик ускуналарини ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Netpack», «Sinclair», қишлоқ хўжалиги, зоотехника ва агросаноат мажмуаси учун машиналар, бутловчи қисмлар ва жиҳозларни ишлаб чиқарувчиларнинг «Сегмас», меваларни назорат қилиш учун жиҳозлар яратувчи «TR», қулупнай, олма, нок етиштирувчи «Vivai Mazzoni» компанияларининг стендлари кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

«Паррандачилик», «Боғдорчилик» ва «Чорвачилик» бўлимларида товуқхоналарга мўлжалланган ускуналар, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари, балиқлар, майда қисқичбақалар, уй ҳайвонлари учун омихта ем ишлаб чиқариш бўйича заводларни барпо этиш ва ишга тушириш, сервис хизмати кўрсатиш, галлани сақлаш ва қайта ишлаш бўйича технологиялар барчани ўзига жалб этди.

Гулшан ЮСУПОВА.

Маҳсулотларимиз жаҳон бозорида

2015 йилнинг 1 майдан 31 октябрга қадар Италиянинг Милан шаҳрида «Expo Milano-2015» жаҳон кўргазмаси бўлиб ўтади. Унда Ўзбекистон иқтисодиёти, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, маданияти ва миллий таомларига оид тўрт бўлим ташкил этилади.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2014 йил 29 декабрдаги қарорига мувофиқ мазкур кўргазмада мамлакатимиз компанияларининг кенг иштирокини таъминлаш, Италияда Ўзбекистон миллий павильонини ташкил этиш бўйича тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган. Бу борада Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмасида ҳам қатор ишлар бажарилмоқда. Уюшма таркибида ёғмой, қандолат, мева-сабзавот, гўшт ва сутни қайта ишловчи ички юздан ортиқ корхона фаолият кўрсатмоқда.

– «Expo Milano-2015» жаҳон кўргазмасига юбориш учун қарийб 140 номдаги маҳсулот саралаб олинди, – дейди уюшманинг консерва ва мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўлими бошлиги **Баҳодир Юнусов**. – «Шаҳбоз ширин» хусусий корхонасида миллий анъаналар асосида тайёрланган ширинликлар, «Gold dried fruits» жамиятида куритилиб, қадоқланган кўкат ва сабзавотлар, «Agromir» қўшма кор-

хонасининг шарбат ва консервалари шулар жумласидандир. Ушбу маҳсулотлар экологик тозаллиги, юқори сифати ҳамда жаҳон андозаларига мос қадоқлангани билан хорижликларга маъқул бўлиши шубҳасиз.

Мамлакатимизда 2012 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш йўналишида 88 лойиҳа амалга оширилган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич 340 дан ошди. Сўнгги уч йилда 400 дан ортиқ янги номдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу озиқ-овқат маҳсулотлари импорти ҳажмини қисқартириб, маҳсулотларни ташқи бозорга чиқариш имконини кенгайтирмоқда.

Бундан бир неча йил олдин кўпгина озиқ-овқат маҳсулотлари импорт қилинган бўлса, ҳозирги кунда Ўзбекистонда тайёрланган сифатли маҳсулотлар саксондан ортиқ давлатга экспорт қилинмоқда.

Озиқ-овқат тармоғининг мамлакатимиз саноатидаги улуши йилдан-йилга ортмоқда. Мисол учун, 2010 йилда бу кўрсаткич 12 фоизга

тўғри келган бўлса, ҳозир 16 фоиздан ошди. Соҳанинг тез суръатлар билан ривожланиши туфайли аҳоли эҳтиёжи учун сарфланаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг қарийб 90 фоизи юртимизда ишлаб чиқарилмоқда.

Мева-сабзавот маҳсулотлари ва узумни қайта ишлаш корхоналарини модернизациялаш ва технологик қайта жиҳозлаш – доимий эътиборда. Ўтган йили тизимда бир юз йигирмадан зиёд номдаги янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Етмишдан ортиқ корхонада халқаро стандартларга мувофиқ сифатни бошқариш тизимлари жорий этилган. 62 корхонада ISO 9001 стандарти бўйича, 12 корхонада ISO 22000 стандарти бўйича менежмент тизимлари сертификатлаштирилган. Йирик лойиҳалар самарасида Самарқанд, Тошкент, Қашқадарё, Андижон, Наманган ва Хоразм вилоятларидаги мева-сабзавот ва узумни қайта ишлаш корхоналарида Швейцариянинг «BUHER»,

овқат ва савдо асбоб-ускуналари, ичимликлар, қандолат, шарбатлар ҳамда ёғ-мой маҳсулотлари ўрин олган ёрқин стендлари билан иштирок этди.

– Кўргазма биз учун тармоқ янгиликлари майдони саналади, – дейди **жомбойлик (Самарқанд) фермер Ш.Аброров**. – Ҳар йили иштирок этиб, жаҳон агросаноатидаги инновацияларни ўзлаштиришга ҳаракат қиламиз. Хўжалигимизда 650 гектар ер майдонида интенсив боғ яратилган.



Италиянинг «FBR ELPO», Германиянинг «FLOTBERG» компанияларининг энергия тежамли линиялари ўрнатилди.

«Agromir Samarqand», «Master Global Plus» ва «Green World» қўшма корхоналарида Швециянинг «TETRA PAK» компаниясининг асептик қадоқлаш линиялари ўрнатилгани юқори сифатли, халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берувчи табиий мева-сабзавот шарбатлари ва нектарларни ишлаб чиқариш, уларни ички ва ташқи бозорларга етказиб бериш имконини кенгайтирди.

2015 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръатларини янада ошириш юзасидан кенг қўламли ишлар бажарилмоқда. Бунда замонавий қувватларни ишга тушириш алоҳида аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, инвестиция дастурига мувофиқ жорий йилда қатор истиқболли лойиҳалар амалга оширилади. Жумладан, Китоб, Асака, Янгикўрган, Ургут, Боғот ту-

манларида мева-сабзавот консервалари, Паркент, Тойлоқ, Когон, Зангиота туманларида қайта ишланган гўшт ва сут маҳсулотлари, Жиззах, Қува, Денов туманларида қандолат маҳсулотлари, Жиззах шаҳри ва Яқкабоғ туманида тез тайёрланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича йирик лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилади.

Жорий йилнинг ўтган даврида Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси тизимидаги корхоналарда 577,3 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

«Expo Milano-2015» жаҳон кўргазмаси мамлакатимиз компания ва корхоналари учун хорижий давлатлар ишбилармонлари билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш, маҳсулот ва хизматларни экспорт қилиш бўйича келишувларга эришиш, юртимизга инвестициялар жалб этиш, истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга кенг имконият яратади.

ЎЗА.

QONUNCHILIKDAGI YANGILIKLAR

Янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тақдим этамиз

Ҳарбий олий ўқув юртига кириш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг буйруғи (Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 5 мартда 2658-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди.

Давлат божхона кўмитасининг қарори (Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 5 мартда 2659-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Олий ҳарбий божхона институтига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди.

Низомлар билан белгиланишича, Мудофаа вазирлигининг Олий ҳарбий таълим муассасаларига* (кейинги ўринларда – ОХТМ) номзодларни ўқишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган Бутлаш режасига мувофиқ мудофаа вазирининг ОХТМга қабул ўринларини ажратиш тўғрисидаги буйруғига, Олий ҳарбий божхона институтига (кейинги ўринларда – ОХБИ) қабул Давлат божхона кўмитаси расининг тегишли буйруғига асосан амалга оширилади.

ОХБИга Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги фуқаролари танлов асосида қабул қилинади:

ўрта умумий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими маълумотига эга бўлган;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги Низом (Президентимизнинг 2006 йил 14 январдаги ПҚ-257-сон-

ли Қарори билан тасдиқланган) талабларига жавоб берадиган;

ҳарбий хизматни ўтамаган 17 ёшдан 21 ёшгача (қабул йилида 17 ёшга тўладиганлар) бўлган;

ҳарбий офицерлар таркиби унвонларига эга бўлмаган ҳарбий хизматчилар ёки ҳарбий хизматни ўтаган 18 ёшдан 25 ёшгача бўлган.

Номзодларнинг бўйи 170 см дан, қиз болалар эса 165 см дан паст бўлмаслиги лозим.

ОХТМга ўқишга кириш учун номзодлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги Низомда белгиланган талабларга жавоб бериши зарур.

Ўқишга кириш учун аризалар (билдиргилар) қабул йилининг 1 апрелига қадар қабул қилинади.

Ҳарбий хизматчиларни олий ҳарбий таълим муассасалари ва Сержантларни тайёрлаш мактабларида ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини давлатга ундириш тартиби тўғрисидаги Низомга (Мудофаа вазирлиги, ИИВ, ФВВ, МВ, МХХ, ДБК ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 27 октябрда 2024-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва ҳарбий хизматчилар, шунингдек, уларнинг ота-оналари ОХТМ ва СТМга ўқишга киришидан олдин ОХТМ ва СТМ раҳбарияти томонидан, ўқишни тамомлагач шартнома талабларини бажармаганлиги сабабли захирага бўшатилиши, шартноманинг муддатидан илгари бекор қилиниши ёки содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этилиши ҳолатларида моддий масъуллиги тўғрисида ёзма ҳолда огоҳлантириладилар.

Олдин муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ОХТМ курсантини ўқитиш учун сарфланган бюджет маблағлари ва ундириладиган маблағлар ҳажми 5 йиллик ўқиш учун – захирага бўшатиладиган вақтида белгиланган ЭКИХнинг 430 баравари, 4 йил учун – 350 бараварига тенг.

Олдин муддатли ҳарбий хизматни ўтамаган ОХТМ курсантидан 5 йиллик ўқиш муддати учун – захирага бўшатиладиган вақтида белгиланган ЭКИХнинг 350 баравари, 4 йил учун – 270 бараварига тенг ҳажмда маблағлар ундирилади.

Қарор «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 2015 йил 9 мартдаги 9 (665)-сонидан расман эълон қилинган кундан кучга кирди.

Олдин муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ОХТМ курсантини ўқитиш учун сарфланган бюджет маблағлари ва ундириладиган маблағлар ҳажми 5 йиллик ўқиш учун – захирага бўшатиладиган вақтида белгиланган ЭКИХнинг 430 баравари, 4 йил учун – 350 бараварига тенг.

Олдин муддатли ҳарбий хизматни ўтамаган ОХТМ курсантидан 5 йиллик ўқиш муддати учун – захирага бўшатиладиган вақтида белгиланган ЭКИХнинг 350 баравари, 4 йил учун – 270 бараварига тенг ҳажмда маблағлар ундирилади.

Қарор «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 2015 йил 9 мартдаги 9 (665)-сонидан расман эълон қилинган кундан кучга кирди.

Пенсиялар ва нафақаларни тўлаш тартиби белгиланди

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг буйруғи (Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 5 мартда 2657-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловларни тўлашни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома тасдиқланди.

Йўриқнома бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловларни тўлашни ташкил этиш, ҳисобини юритиш ва мониторингини амалга ошириш тартибини белгилайди.

Ҳужжат билан аниқлаштирилишича, пенсия ва нафақалар тўлови қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

а) ишламайдиган шахсларга: пенсионер ва нафақа олувчининг яшаш жойи бўйича – почта алоқаси объекти орқали;

пенсионер ва нафақа олувчининг яшаш жойи бўйича тижорат банки филиали орқали (банк пластик карточкаси ҳисобварағи ёки жисмоний шахсларнинг омонат ҳисобварағига ўтказиш йўли билан);

б) ишловчи пенсионерларга – асосий иш жойи орқали.

Ишламайдиган шахсга пенсия ва нафақа тўлови шакли аризаларга асосан аниқланади.

Пенсия ва нафақани банк пластик карточкаси ёки жисмоний шахсларнинг омонат ҳисобварағи орқали олаётган шахснинг аризаларига банк пластик карточкаси бўйича ҳисобварақ ёки жисмоний шахсларнинг омонат ҳисобварағи очганлиги тўғрисидаги маълумотнома ва тижорат банк филиали ҳамда мижоз ўртасида имзоланган шартноманинг нусхаси илова қилиниши лозим.

Пенсия банк пластик карточкаси ёки жисмоний шахсларнинг омонат ҳисобварағига тўланганда, пенсионер ҳар 6 ойда Пенсия жамғармаси бўлимига келиш йўли билан ўзининг пенсия суммасини олиш ҳуқуқини тасдиқлаши зарур. Шахснинг олинмайдиган пенсияга ҳуқуқлари тасдиқлангандан сўнг, тўлов навбатдаги 6 ойга давом эттирилади.

Пенсионер белгиланган муд-

датда Пенсия жамғармаси бўлимига келмаган тақдирда, Пенсия жамғармаси бўлими ходимлари 10 кун ичида пенсионер келмаганлиги сабабларини аниқлаш учун пенсионер яшайдиган жойга боради.

Пенсия ва нафақаларни тўлаш қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилган ишончнома бўйича амалга оширилиши мумкин. Ишончнома тегишли почта алоқаси объектида сақланиши лозим. Бунда ишончнома берган шахс пенсия тўлайдиган Пенсия жамғармаси бўлимига бир йилда камида 1 марта келиб, тайинланган пенсияга бўлган ўз ҳуқуқини ариза ҳамда шахсини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этиш орқали тасдиқлаши керак.

Пенсионер ёки нафақа олувчи томонидан ўз вақтида талаб қилиб олинмаган пенсия ва нафақанинг ҳисобланган суммаси ўтган вақт учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига мувофиқ пенсиялар ва нафақалар миқдорлари оширилиши ҳисобга олинган ҳолда бир йўла тўланади, бироқ пенсия ёки нафақа олиш учун муурожаат қилишдан олдинги 12 ойдан ортиқ вақт учун эмас.

Пенсия жамғармаси бўлимининг айби билан ўз вақтида олинмаган пенсия ёки нафақа суммаси ўтган вақт учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига мувофиқ пенсия ва нафақалар миқдорлари оширилиши ҳисобга олинган ҳолда муддат чекланмасдан тўланади.

Йўриқномада ортиқча тўланган пенсия ёки нафақа суммасини ушлаб қолиш тартиби ҳам белгиланган.

Буйруқ «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 2015 йил 9 мартдаги 9 (665)-сонидан расман эълон қилинган кундан кучга кирди.

*Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларига танлаш тартиби ва қабул қилиш қоидалари тўғрисида Низомга (Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 3 июндаги 141-сонли қарори билан тасдиқланган) Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий таълим муассасаларига қуйидагилар киради:

Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти;

Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти;

Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юрти;

Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти;

Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги махсус факультет.

STATISTIKA

Лизинг хизматлари бозори динамикаси ва ҳажми

2014 йилнинг якуний натижаларига мувофиқ, асосий сармоёдаги инвестициялар таркибида лизинглар улуши 2,5 фоизни ташкил қилди. Лизингнинг ЯИМдаги улуши бироз камайиб, 2013 йилда ушбу улуш 0,7 фоиздан иборат бўлган бўлса, 2014 йилда ушбу кўрсаткич 0,6 фоизга тушиб қолди. Бироқ ЯИМдаги лизинг портфелининг улуш кўрсаткичи 2013 йилга нисбатан 0,2 фоизга ўсди ва 1,5 фоизни ташкил этди.



Йил якунига кўра, аввалги йилнинг шу даврига нисбатан янги лизинг операциялари ҳажми ўсиш суръати 2,5 баробарга тўғри келди. Яъни, 2013 йилда лизинг ҳажми 805,2 млрд. сўмга тенг бўлса, 2014 йилда ушбу кўрсаткич 21 млрд. сўмга ортган ва 826,2 млрд. сўмга етган.



Лизинг шартномаси портфелининг жами қиймати 2013 йилга нисбатан 29,3 фоизга ўсди ва 2 трлн. 139 млрд. сўмни ташкил этди.

Лизинг бозори иштирокчилари

2014 йил якунига кўра, лизинг бозорининг катта улуши лизинг компанияларига тўғри келиб, 71,7 фоизга тенг бўлди. Лизинг компаниялари томонидан тузилган битимнинг умумий миқдори 592,6 млрд. сўмдан иборат. Янги ташкил этилган компаниялар сони 5 тани ташкил этди ҳамда 2 нафар лизинг берувчилар Ўзбекистон лизинг берувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда фаолият кўрсатадиган бўлди.

2015 йил бошига келиб, лизинг берувчилар сони 88 тани (24 та тижорат банклари ва 64 та лизинг компаниялари) ташкил этмоқда.

Лизинг битимларини асосий воситаларга кўра тақсимлаш

Лизинг хизмати бозори тараққиёти динамик суръатда таҳлил қилинар экан, асосий воситалар тури бўйича битимлар диверсификацияси ҳолати юзага келаётганини қайд этиш мумкин. 2013 йилдан бошлаб, қишлоқ хўжалиги техникаси улуши камайиб, технологик ускуналар улуши ўсаётгани маълум бўлади.

2014 йил якунига кўра, лизингга берилган мулкнинг таркибий қисми ўрганилганида, нархи бўйича юқори ўринларни эгаллаб келаётган лизинг объекти қишлоқ хўжалиги техникаси улушига тўғри келади. Лизингга берилган қишлоқ хўжалиги техникаси умумий қиймати 280 млрд. сўмдан ортқни ташкил этди (бозордаги улуши – 34,2 фоиз). 2013 йилга нисбатан қишлоқ хўжалиги техникаси улуши 2,8 фоизга қисқарди. Бу эса 2014 йил 1 ярим йиллигида ТТЗдан қишлоқ хўжалиги техникасининг етказиб берилиши билан боғлиқ вазиятлар туфайли юзага келди. Технологик ускуналарнинг улуши бироз ўсди




ва 27,7 фоизни ташкил қилди, 2013 йил билан солиштирганда (22,4 фоиз).

Технологик ускуналарни лизингга тақдим этишда етакчиликни қўлга киритаётган лизинг компаниялари орасида «Ўзбек Лизинг Интернэшнл А.О.» АЖ ҚК (60 млрд. сўм), «Ўзбекиономашлизинг» ДЛК (25,4 млрд. сўм) ва «Ипотека-банк» АТИБ (13,5 млрд. сўм)лар бор.

Битимларнинг ҳудудлар кесимидаги ҳолати

Республикада лизинг операцияларининг ҳудудлар кесимидаги ҳолати бир маромдадир. Аввалги йиллардагидек, битим энг кўп, аниқроғи, амалдаги лизинг операцияларининг тўртдан бир қисми тузилган ҳудудлар сирасига Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти кирмоқда (11,13 фоиз). Шунингдек, 2014 йил якунига мувофиқ, лизинг бозори Сирдарё вилоятида ҳам фаоллашган. Натижада Сирдарё вилояти кучли учликдан ўрин эгаллади (7,26 фоиз).



Асосий сармоёга лизинг орқали инвестиция киритиш

Давр	Лизингга берилган мулкнинг нархи, млрд. сўмда	Асосий сармоёдаги инвестициялар таркибида лизингнинг улуши, фоизда	Лизингнинг ЯИМдаги улуши, фоизда	Лизинг портфелининг ЯИМдаги улуши, фоизда
2008 й.	351,6	4,2	1,0	2,2
2009 й.	401,6	3,2	0,8	2,3
2010 й.	430,3	2,7	0,7	1,8
2011 й.	484,5	2,7	0,6	1,6
2012 й.	590,6	2,7	0,6	1,3
2013 й.	805,2	2,8	0,7	1,3
2014 й.	826,2	2,5	0,6	1,5

Лизинг битимлари сони ва лизинг операцияларининг қиймати

Давр	Лизинг битимлари сони	Лизинг операциялари қиймати (млн. сўмда)
2012 й.	716	209 617,29
2013 й.	803	244 908,10
2014 й.	699	233 582,35

Лизинг бозори иштирокчилари улуши

2014 йил	
Лизинг компаниялари	Лизинг операциялари қиймати (млн. сўмда)
– мол-мулк нархи, млрд. сўмда	592,6
– улуши, фоизда	71,7
Банклар	
– мол-мулк нархи, млрд. сўмда	233,6
– улуши, фоизда	28,3
Жами, мулк баҳоси, млрд. сўмда	826,2

Лизинг компанияларининг ТОП 5 лиги


Т/р	Лизинг компанияси номи	Лизинг операциялари қиймати (млрд. сўм)
1	«Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» АЛК	267,6
2	«O'zavtosanoat-Leasing» МЧЖ ЛК	74,6
3	«Ўзбек Лизинг Интернэшнл А.О.» АЖ ҚК	63,9
4	«Ўзбекиономашлизинг» ДЛК	25,4
5	«SIFCO International» МЧЖ	16,0

Банкларнинг ТОП 5 лиги

Т/р	Банкларнинг номи	Лизинг операциялари қиймати (млрд. сўм)
1	«Асака» ДАТБ	79,4
2	«Ипотека-банк» АТИБ	26,7
3	Давлат-тижорат Халқ банки	22,3
4	ЧЭКИ «Ҳамкорбанк» АТБ	16,4
5	«ҚДБ Банк Ўзбекистон» АЖ	14,7

Мирзачўлда «Golden-Playn» корхонаси ишга тушди

Тадбиркор Нурлан Ўроқовни Мирзачўл туманида кўпчилик яхши танийди. Бойси, у тиниб-тинчимас ишбилармонлардан бири.



Ўтган йили туман аҳолисини нон маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида бир кеча-кундузда ўн минг дона нон ишлаб чиқариш цехини йўлга қўйган бўлса, бу йил яна бир хайрли ишга қўл урди. Туман марказидаги ташландиқ бир гектар майдонни ободонлаштириб, 6 турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Golden-Playn» корхонасини ишга туширди. – Фаолиятимизни кенгайтиришда банкнинг молиявий қўллаб-қувватла-

ши муҳим омил бўлди, – дейди корхона раҳбари Нурлан Ўроқов. – Бунинг учун «Миллий банк»нинг Пахтакор туман бўлимидан 200 млн. сўм кредит олиб, Хитой технологиясини келтирдик. Эндиликда қурилиш жараёнида ишлатиладиган профнастиль маҳсулотини ишлаб чиқариш шу ернинг ўзида йўлга қўйилди. Мақсад – халқимизни сифатли қурилиш материаллари билан таъминлашдан иборат.

«Туркистон-пресс» НАА.

ХАВАРЛАР, VOQEALAR

Кексалар учун янги суғурта тури

«Алском» суғурта компанияси (АЖ) «Кексаларни эъзозлаш йили» муносабати билан янги суғурта турини жорий қилди.

«Эъзоз» дея номланган ушбу суғурта маҳсулоти кекса ёшдаги шахсларни бахтсиз ҳодисалар ва касалликлардан суғурталашга мўлжалланган.



Мазкур янги суғурта тури бўйича полислар компаниянинг барча минтақавий бўлимлари ҳамда «O'zbekiston Pochtasi» акциядорлик жамия-

ти тармоқлари таркибига кирувчи агентликлар орқали сотилиши кўзда тутилган.

Таъкидлаш жоиз, «Алском» суғурта компанияси ўз суғурта хизматларини республика бўйича кенг тарғиб қилиш мақсадида ўз инфратузилмасини кенгайтириб бормоқда. Хусусан, 2014 йилда ушбу суғурта ташкилоти томонидан худудлар бўйлаб 22 та янги бўлима ишга туширилиб, улар сони 80 тага етказилди.

Айни пайтда компаниянинг 15 та минтақавий филиали мавжуд бўлиб, улар сўнги йилларда анчайин фаол фаолият юритмоқда. Чунончи, 2014 йил якунларига кўра, компанияда йиғилган умумий суғурта мукофотлари ҳажмида минтақавий филиаллар улуши 82 фоизни ташкил этди. Бу даврда муассасанинг инновацион ҳамда ихтиёрий тиббий суғурта турларига аҳоли қизиқиши катта бўлди.

Ширин БАЙСЕНОВА.

Боғдорчилик ривожига бағишланди


Самарқанд туманида узумчиликни ривожлантириш, мавжуд тоқзорлар самардорлигини ошириш ва янгиларини барпо этишда илғор агротехнологияларни амалиётга кенг жорий қилишга бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзвиносаноат-холдинг» компанияси, худудий қишлоқ ва сув хўжалиги идоралари масъул ходимлари, соҳага алоқадор ташкилотлар ҳамда фермер-

Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи З.Ортиқов. – Омилкорлик билан иш тутган соҳибкорлар ушбу майдонлардан ҳар йили мўл ҳосил олмақда. Лекин айрим хўжаликларда зарур аг-

чораларини излашдан иборат.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилда вилоятда 1 минг 168 гектар майдонда янги тоқзор барпо этилади ва 730 гектар ердаги узумзор реконструкция қилинади.



лар иштирок этган тадбирда мамлакатимизда боғдорчиликни ривожлантириш борасида амалга оширилган ислохотлар самаралари ҳақида сўз юритилди.

– Бугунги кунда Самарқанд вилоятида 40 минг 271 гектар майдонда тоқзор мавжуд, – дейди Ўзбекистон

ротехник тадбирларнинг сифатли амалга оширилмаслиги ва турли ўсимлик касалликлари туфайли ҳосилдорлик салмоғи имконият даражасида бўлмапти. Мавсум аввалида бундай семинар ташкил этилишидан мақсад ҳам жорий йилда ана шу муаммоларга барҳам бериш

Семинар ишида буюмшни сифатли амалга ошириш юзасидан ҳам зарур тавсиялар берилди. Тадбир иштирокчилари тумандаги «Абдурауф Давронов» ва «Қавчинон узумлари» фермер хўжаликлари далаларида бўлиб, тоқларга ишлов бериш жараёнлари билан танишди.



«Universal sug'urta» АЖнинг рейтинг натижаси шарҳи

«Ahbor-Reyting» рейтинг агентлиги «Universal sug'urta» АЖга «Барқарор» прогнози билан «uzA+» даражасидаги миллий шкала бўйича тўловга қобилиятлилик рейтингини берди.

«Universal sug'urta» АЖ шартномалари сони 84,7 мингтани ташкил этди. Бунда «Universal sug'urta» АЖнинг йиғилган жами суғурта мукофотлари аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан 56,90 фоизга ошиб, 6,3 млрд. сўмни ташкил этди.

Шу билан бирга, таҳлил қилинаётган давр якунларига кўра, йиғилган ушбу суғурталаш тоифаси бўйича мукофотлар 2,78 млрд. сўмни ёки суғурта компаниясининг барча йиғилган мукофотлари 40,32 фоизини ташкил этди. Бунинг натижасида йиғилган суғурта мукофотларининг бундай ҳажми билан, «Universal sug'urta» АЖнинг бозор-

даги мавқеи йиғилган жами мукофотлар ҳажми бўйича суғурта секторидан 12-позицияни эгаллади.

Суғурта мукофотлари ошиши билан бир вақтда, «Universal sug'urta» АЖ суғурта тўловлари ҳам ошди. «Universal sug'urta» АЖ суғурта тўловлари аввалги йилнинг кўрсаткичига нисбатан 3,5 баравардан ортиқ миқдорда ошди, бу таҳлил қилинаётган давр якунларига кўра, «Universal sug'urta» АЖ суғурта мукофотлари ўсишининг эришилган суръатларига нисбатан пастдир. Суғурта тўловларининг бундай юқори ўсиши «Universal sug'urta» АЖга мазкур кўрсаткич бўйи-

ча етакчи маҳаллий суғурталовчиларнинг дастлабки ўнталигига кириш имконини берди. «Universal sug'urta» АЖнинг бозордаги мавқеи суғурта тўловлари ҳажми бўйича 9-позицияни эгаллади. Йиғилган суғурта мукофотлари ва тўловлари ҳажмидаги бундай ўзгаришлар натижасида, «Universal sug'urta» АЖнинг суғурта тўловлари коэффициенти аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан анча ошиб, 24,21 фоизни ташкил этди. Шу билан бир вақтда, «Universal sug'urta» АЖнинг бозордаги мавқеи ҳам мазкур кўрсаткич бўйича суғурта секторидан 6-позицияни эгаллади.

Меҳнат ярмаркаси

Наманган вилояти Чуст туманида навбатдаги меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди.

Туман ҳокимлиги, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда элликка яқин хўжалик субъекти 170 дан зиёд бўш иш ўрни билан қатнашди.

Иштирокчилар бўш иш ўринлари ҳамда туманда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда режалаштирилаётган янги лойиҳалар ва яратилиши кўзда тутилаётган иш ўринлари ҳақида кўргазмали воситалар орқали атрофлича маълумотга эга бўлди.

Ярмаркада 45 кишига ўз мутахас-

сислиги, қизиқиш ва қобилиятига кўра ишга жойлашиш учун йўлланма берилди.

– Чуст туманидаги 19-давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатига ўз мутахассислигим бўйича йўлланма олдим, – дейди Саида Бердиева. – Шундай тадбирлар воситасида ишли бўлаётган тенгдошларим номидан ташкилотчиларга миннатдорлик билдираман.

Мутахассислар томонидан меҳнат қонунчилиги, имтиёз ва кафолатлар, битирувчиларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш каби масалалар юзасидан ҳуқуқий маслаҳат ва тавсиялар берилди.

ЎЗА материаллари асосида.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

«Norma» МЧЖ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

Акмал НАЗАРОВ

Нашр учун масъул

Анвар АСРОРОВ

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ

Газета «Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖнинг компьютер базасида саҳифаланди

АХБОРОТ КўМАГИ

ЎЗА, «Туркистон-пресс» НАА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100084, Тошкент ш.,

Ғ. Мавлонов кўчаси,

1а-уй, 3-қават.

e-mail: info@banknews.uz

www.banknews.uz

Реклама ва эълонлар учун
234-43-18

телефони орқали мурожаат қилинг.

Юридик шахслар учун нашр индекси – 102.

Жисмоний шахслар учун нашр индекси – 377.

Таҳририятнинг фақат ёзма розилиги билан «Банк ахборотномаси»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилди.

Кўлэмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.

Буюртма № 2101

Адади: 8924 нуска.

Наҳи шартнома асосида.

Газета АЗ ҳажмида, 3 шартли босма табоқда чоп этилди.

Босишга руҳсат этилди: 01.04.2015 й., 9.00. 1